

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:336.143(575.1)

ҚОДИРОВ КАМОЛИДДИН ҚАҲРАМОНОВИЧ

**Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш
харажатлари самарадорлигини ошириш йўллари**

5A230601- “Давлат молиясини бошқариш”

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Б. Шахриёров

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I.БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Давлат бюджетиинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва функциялари.	9
1.2. Давлат бюджети харажатларининг миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни.....	21
1.3. Давлат бюджети харажатлари орқали макроиқтисодий мувозанатга таъсир этишнинг назарий асослари.....	30
1-боб бўйича хулосалар.....	36
II.БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ	38
2.1. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга бюджет харажатларининг динамикасини таҳлили.....	38
2.2. Давлат бюджетининг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатларининг таҳлили.....	44
2.3.Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатларининг таҳлили.....	54
2-боб бўйича хулосалар.....	62
III.БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	64
3.1.Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришда харажат лимитларини мақсадли дастурларнинг кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш имкониятлари.....	64
3.2.Бюджет назоратини такомиллаштириш орқали иқтисодиёт харажатларининг манзиллиги ва мақсадлилигини ошириш йўллари.....	68
3-боб бўйича хулосалар.....	75
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	80

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мустақил давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодийни модернизациялаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш каби кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда давлат бюджетиинг аҳамияти ғоят юксакдир.

Давлат бюджети юқорида тилган олинган ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишдаги аҳамиятини янада ошириш, устувор соҳа ва тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини янада ошириш каби вазифаларнинг кун тартибига чиқарилиши ўз навбатида давлат бюджетининг харажатларини самарали бошқариш тизимини шакллантиришни тақозо қилади.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов давлат молияси соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида эришилган ютуқларимизга тўхталиб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтдилар, “Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодий соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди”¹. Ҳақиқатда ҳам ҳозирги шароитда давлат бюджети харажатларининг асосий қисми ижтимоий

¹ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Ҳалқ сўзи газетаси. 2014 йил.

соҳаларга сарфланаётган бўлса-да унинг иқтисодийни қўллаб-қувватлаш, мамлакатдаги инвестицион фаолиятни янада жонлантиришдаги ҳиссаси ҳам сезиларли бўлмоқда.

Юқоридаги устувор вазифалар, давлат бюджетининг иқтисодий соҳасини қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатларини самарали бошқариш масаласини долзарблигини ва шунингдек, танланган магистрлик диссертация ишининг мавзуси долзарблигини тасдиқлайди.

Тадқиқот объекти ва предметини белгиланиши. Магистрлик диссертация ишининг объекти Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг иқтисодийни қўллаб-қувватлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кесимида ўрганилди ва бу ишнинг объекти ҳисобланади.

Давлат бюджети маблағларини иқтисодийни қўллаб-қувватлаш соҳаларига сарфланиш жараёнидаги молиявий муносабатлар ишнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети, унинг харажатларини ижтимоий-иқтисодий мазмунини тадқиқ этиш, давлат бюджетининг иқтисодийни қўллаб-қувватлаш харажатларини ижросининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида ҳозирги давр муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини назарий жиҳатдан ўрганиш;

- давлат бюджети харажатлари ва давлат бюджети орқали иқтисодийни давлат томонидан тартибга солиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

- давлат бюджетининг иқтисодийни қўллаб-қувватлаш харажатларининг амалдаги ҳолатини комплекс таҳлил қилиш;

- мамлакатдаги инвестиция сиёсати ва унда давлат бюджетининг хиссасини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ҳал қилиш йўллари бўйича амалий тавсияларни асослаш;

- бюджетни ўрта муддатли режалаштириш тизимини жорий этиш орқали иқтисодиёт харажатларини самарадорлигини ошириш бўйича фикр мулоҳазаларни шакллантириш;

- давлат бюджетининг харажатлари устидан самарали назорат тизимини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва бошқаларидан иборат.

Тақиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ушбу тадқиқот ишида асосан Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг иқтисодиёт ва марказлаштирилган инвестициялар харажатларининг амалдаги ҳолати ўрганилган.

Тадқиқотнинг асоси фарази сифатида таъкидлаш жоизки, диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар истиқболда давлат бюджетининг миллий иқтисодиётдаги ислохотларни амалга оширишдаги аҳамиятини янада оширишда муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини таъминлаши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётларнинг таҳлили. Диссертация ишини ёзиш жараёнида давлат бюджети харажатлари, уларни бошқаришнинг илмий-назарий ва амалий асосларини ўзида мужассамлаштирган бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий, ўқув адабиётларидан фойдаланилди.

Хусусан хорижлик иқтисодчи олимларидан А.М.Бабич, А.М.Годин, Л.А.Дробозина, Ж.М.Кейнс, С.И.Лушин, В.А.Слепов, Н.С.Максимова, В.А.Галанов, Л.Н.Павлова, Г.Б.Поляк, В.М.Родионова, М.В.Романовский, Л.П. Павлова ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида кенг ёритилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларидан А.В. Ваҳобов, Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов, Н.Х. Хайдаров, Ё.Ш. Файзуллаев, И.А. Азизова, З.Х. Срожиддинова, Ж.А.Қўчқоров, Б.К. Тухлиев, Г.Қосимова, Х.А. Қурбонов,

Т.Эшназаров ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини харажатларини режалаштириш ва бошқариш тизимининг илмий-назарий асосларини шакллантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар².

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Диссертация ишини ёзиш жараёнида гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, иқтисодий таҳлилнинг вертикал ва горизонтал услубларидан ва статистик кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида таклиф ва тавсиялар даражасигача тадқиқ этилганки, улар давлат бюджети иқтисодиёт харажатларини режалаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштирилиши орқали яқин келажак ва истикболга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам бериши мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Давлат бюджети», «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими», «Давлат молиясини бошқариш» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ушбу диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги ислохотларнинг ҳозирги шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда давлат бюджетининг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари тизимидаги ислохотлар ва уни бошқариш тизимининг амалдаги ҳолати комплекс ўрганилиб, мавжуд муаммолар аниқланганлиги ҳамда уни бартараф қилиш орқали давлат бюджети харажатлари самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

² Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: "Ношир", 2012 й.- 712б.; Олимжонов О.О. Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар // Ҳаёт ва иқтисод. - Тошкент: 1992.- № 2- 11б.; Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А., Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш.- Тошкент, 2010 - 152 б.; Срожиддинова З.Х.Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик . – Тошкент: infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, 2010. – 500 б.; Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б. Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. - 199 б. Кучкаров Д. и др. Местные бюджеты через призмы проблем.// Экономическое обозрение. - Ташкент: 2004.- № 6 - 4 с.; Қосимова Г. Ҳазначилик фаолиятини ташкил қилиш.-Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2005.- 268 б.; Эшназаров Т. Ҳазначилик тизими муносабатлари. Монография.- Тошкент:"Фан" нашриёти, 2008.- 296 б.;

Магистрлик диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги куйидагиларда яққол намоён бўлади:

- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда давлат бюджетининг миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги янги вазифалари аниқланди;
- давлат бюджети орқали миллий иқтисодиётдаги ислохотлардаги давлатнинг роли ёритиб берилди;
- давлат бюджетининг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари ижросининг амалдаги тизими шароитида бюджет харажатларини бошқариш самарадорлиги баҳоланди;
- давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштириш ва натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни бюджетнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари самарадорлигини оширишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- давлат бюджети харажатларини назорат тизимини янада такомиллаштириш орқали тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг яқин ва истикболга мўлжалланган вазифалар бўйича таклифлар берилди.

Диссертация иши таркибининг қисқача тавсифи. Иш кириш, 3та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар қисмларидан иборат.

Диссертация ишининг биринчи бобида давлат бюджети ва унинг харажатларини ижтимоий-иқтисодий мазмуни, миллий иқтисодиётдаги инвестиция сиёсатидаги аҳамияти, мақсади ва вазифаларининг назарий ва амалий асослари ёритиб берилган.

Диссертация ишининг иккинчи бобида давлат бюджетининг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатларининг ижроси, уларнинг самарадорлиги баҳоланди. Унда давлат бюджетининг харажатларини режалаштириш ҳамда

ижроси кўрсаткичларини таққослаш воситасида бюджет харажатларини бошқариш самарадорлиги баҳоланган.

Диссертация ишининг учинчи бобида давлат бюджети харажатларини бюджетни ўрта муддатли режалаштириш тизими шароитида бошқариш самарадорлигини янада ошириш истиқболлари ёритиб берилган. Хусусан, унда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш ва бюджет тизимини ўрта муддатли режалаштириш истиқболлари ёритилган. Бюджет харажатларининг назорат тизимини шакллантириш бўйича таклифлар берилган.

I.БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Давлат бюджетиинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва функциялари.

Жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ҳамда салбий тенденциялар шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш каби кенг кўламли ислохотлар шароитида давлат бюджети миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг асосий молиявий инструментларидан бири ҳисобланади.

Давлат бюджети орқали мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулот тақсимланиш жараёнида давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фонди шакллантирилади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш билан боғлиқ ислохотларнинг ҳозирги шароитида макро ва микро даражадаги молиявий ресурслар оқимларининг барқарор механизмларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. Молиявий ресурслар оқимларини мукаммаллаштириш иқтисодиётни ривожланишининг ўзаро нисбийлигини ва тенглигини таъминлайди, иқтисодиётнинг турли секторлари ва соҳалари ривожланиши ва самарали ишлашини таъминлайди. Бундай мувозанатни молиявий оқимларни таминлашда марказий аҳамият касб этувчи марказлаштирилган фонд-давлат бюджети муҳим аҳамият касб этади. Буни Президентимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди, «Биз бугун 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди³.

Президентимизнинг юқоридаги фикрларида ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини бевосита давлат бюджети ижроси самарадорлиги кўрсаткичларига боғлайди. Чунки, давлат бюджети давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг бош молиявий инструменти бўлиб ҳисобланиши билан бирга, миллий иқтисодиётдаги давлат сиёсати самарадорлигини ўзида яққол ифодалайди.

Бюджет муносабатлари – жамият иқтисодий тизимининг ажралмас қисми унинг амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарурий молиявий базани шакллантириш билан объектив равишда аниқланади.

³ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Ҳалқ сўзи газетаси. 2014 йил.

Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар: маориф, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини сақлаш ва ғавқулотда ҳолатлар учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиш зарурати туфайли келиб чиқади. Шунингдек, давлат бюджет орқали давлат жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларининг молиявий асосини яратади.

Демак, бир томондан бюджетнинг пайдо бўлиши давлатларнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий соҳаларидаги давлат ислохотларини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатидаги бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритилади.

Фикримизча, давлат бюджети тушунчасида унинг иқтисодий категория сифатидаги ва мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатидаги талқинларини бир - биридан фарқлаш лозимдир. Иқтисодий категория сифатида бюджет объектив характерга эга бўлган пул муносабатлари тизими сифатида қаралади.

Моддий маънода бюджет - тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборат. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Ҳуқуқий категория сифатида бюджет тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият

идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа, юридик меъёрлардан иборатдир.

Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида, давлат бюджетига қуйидагича аниқлик киритилган, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (Давлат бюджети) — давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси»⁴.

Умуман, ушбу таърифни эски Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда берилган тариф билан солиштирадиган бўлсак, маълум даражада фарқаниш мавжудигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат қуйидаги расмда яққол ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети (Давлат бюджети)- давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Давлат бюджети-давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 14 декабр, 3-модда

1.1 расм. Давлат бюджети тушунчасининг солиштирма таҳлили

Юқоридаги, Бюджет Кодексида берилган таърифда, давлат бюджетининг, биринчидан марказлаштирилган пул жамғармаси сифатидаги жиҳати билан бирга унинг давлат вазифа ва функцияларини молиявий

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

жиҳатдан таъминлаш учун шакллантирилган мақсадли фонд сифатидаги жиҳатлари ёритиб берилган.

Бизнинг фикримизча, янги таҳририда келтирилган давлат бюджети тушунчасида, унинг бошқа мақсадли жамғармалар каби айрим муҳим жиҳатлари эътибордан четда қолдирилган. Хусусан, ҳар қандай фонд ёки мақсадли жамғарма маълум муддатга шакллантирилади. Чунки, унинг даромад манбалари ва харажат сарфи йўналишларини миқдор жиҳатдан чегаралаш учун, унинг шаклланиш муддатларини аниқлаб олиш лозим. Хусусан, бу борадаги бюджетни тузиш жараёнига эътибор қаратиладиган бўлинса, давлат бюджети молия йилига мўлжалланган ҳисобланади.

Қолаверса, давлат бюджетига аниқлик киритилишида унинг ҳуқуқий категория ва иқтисодий категория сифатидаги сифат белгиларига ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

Бюджет иқтисодий категория ҳам ҳисобланади. Чунки унинг моддий асосини ижтимоий ишлаб чиқариш натижасида олинadиган пул даромадлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай мамлакатда бюджет муносабатларини ташкил қилиш жараёнида ишлаб чиқариш манфаатлари ҳисобга олиниши лозим.

Иқтисодий категория сифатида давлат бюджети ЯИМ в миллий даромадни тақсимланиши жараёнида марказлаштирилган давлат фондини шакллантириш ва улардан давлатнинг жамиятдаги вазифа ва функцияларини молиялаштириш учун ундан фойдаланиш билан боғлиқ императив тавсифдаги пул муносабатлари тизимини ўзида ифодалайди.

Юқоридагилар умумлаштирган ҳолда давлат молиясининг таркибий қисми сифатида давлат бюджети 4 асосий сифат белгилари билан тавсифланади:

1. Бюджет давлат қўлида миллий даромадни бир қисмини жамлаш ва ижтимоий эҳтиёжлар учун ундан фойдаланиш билан боғлиқ қайта тақсимлаш муносабатларининг алоҳида иқтисодий шакли ҳисобланади.

2. Бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг ўзига хос шакли сифатида императив характерга эга булган пул муносабатлари ҳисобланади.

3. Бюджет оркали миллий даромадни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳалари уртасида, иқтисодий тармоқлари ичида, ижтимоий фаолият соҳалари ўртасида, мамлакат ҳудудлари ўртасида қайта тақсимлаш амалга оширилади.

4. Бюджетнинг тақсимлаш соҳаси давлат молиясида муҳим рол ўйнайди.

Эътироф этилишича, бюджет асосий молиявий режа сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўла қамраб олади;

- бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради⁵.

Юқоридаги фикрда давлат бюджетининг яна бир хусусияти ёритиб берилган. Хусусан, унда асосий урғу яҳлит давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг молиявий манбаи бўлиши билан бир қаторда ҳар бир ҳудуд кесимида амалга оширилаётган ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ислохотларда давлат бюджетининг таркибий элементи ҳисобланувчи маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, давлат бюджетининг давлат томонидан иқтиодиётни тартибга солишнинг асосий инструменти сифатидаги хусусиятлари ёритиб берилган.

Бюджет давлат даромадларининг асосий қисмини ўзида жамлайди ва давлатнинг ижтимоий - иқтисодий, сиёсий вазифаларини амалга ошириш учун зарурий пул маблағлари фондини ўзида акс эттиради. Ушбу фондда шакллантириладиган молиявий ресурслар давлатнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ёки бошқа тавсифдаги вазифаларини бажаришлари учун

сарфланади. Бу жараён унинг харажатлари орқали ифодаланади. Шунинг учун давлат бюджети давлатнинг жамиятдаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларини молиялаштириш учун шакллантириладиган марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади.

Бу борада Б.Тухлиев ва Х.Қурбоновлар қуйидаги фикрларни келитириб ўтадилар, “Жамият тараққиётида хўжалик механизмининг босқичма-босқич такомиллашиб бориши, давлатларни жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий тизимидаги роли ортиши уларнинг ихтиёрида ижтимоий ишлаб чиқариш натижасида яратиладиган қўшилган қийматнинг бир қисми ҳисобига доимий равишда пул ресурсларининг шакллантирилишини объектив зарур қилиб қўяди. Бундай давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларининг асосий шакли бюджет бўлиб, бюджет давлатнинг асосий молиявий режаси ҳисобланади»⁶.

Бу борада профессорлар Маликов Т.С. ва Хайдаров Н.Х.лар қуйидаги фикрларни айтиб ўтадилар, «Ҳозирги шароитда давлат бюджети ижтимоий (ишлаб чиқариш) муносабатларнинг бир қисмини ифода этиб, давлатнинг ихтиёрига мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот – миллий даромаднинг нисбатан каттагина қисмини тўплаш ва уни жамият тараққиётининг турли соҳаларини (иқтисодиёт, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, ижтимоий таъминот, бошқарув, муҳофаа ва бошқалар) ривожланишига йўналтириш имконини берадиган муҳим тақсимлаш инструменти (воситаси)дир»⁷.

Бизнинг фикримизча юқоридаги фикрлардан ҳам кўриб ўтишимиз мумкинки, давлат бюджети биринчида давлатнинг жамиятдаги ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиси сифатида ва асосий иқтисодий агент сифатида иштирок этиши билан яратилган ялпи ички маҳсулот ва унинг таркиби ҳисобланувчи миллий даромадни тақсимланиш жараёнида давлат ихтиёрида шакллантириладиган марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади.

⁵ Х.А.Қурбонов, М.Ж. Бауетдинов Давлат молиясини бошқариш. Электрон ўқув-услубий мажмуа.-Тошкент: ТДИУ, 2012 й.

⁶ Б.Тухлиев ва бошқалар. Давлат бюджети. –Т.:ТДИУ, 2010 й.- 5 б.

⁷ Маликов Т. С., Хайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й.- 6 б.

Ушбу фонд давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тавсифдаги вазифаларини бажариши учун сарфланади. Шунинг ун ҳам ушбу фонд ҳар бир мамлакатда яшовчи аҳолининг молиявий манфаатларини ўзида ифодаловчи марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади.

Тошкент молия институти профессори З.Х.Срожиддинова давлат бюджетининг моҳиятини қуйидагича изоҳлайди, “Моҳият жиҳатидан давлат бюджети – давлат бошқарувининг муҳим воситаси бўлиб, унинг ёрдамида давлат такрор ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир кўрсатади, инсон иродасига бўйсунмайдиган бозор кучларининг салбий таъсирини бартараф этади.

Давлат томонидан тартибга солиш, солиқлар, бюджет маблағлари ва молиявий ёрдам, ижтимоий кафолатлар, бюджет маблағлари ҳисобига махсус жамғармалар ва иқтисодиётнинг ривожланишидаги номуносивбликнинг олдини олиш захиралари ташкил этиш ёрдамида амалга оширилади”⁸.


Б.М.Сабанти таклиф қилган таърифга кўра, «давлат бюджети императив шаклга эга бўлган, асосан жамиятнинг соф фойдаси ҳаракатини ифодаладиган, давлат ўз вазифаларини бажариши учун унинг марказлаштирилган жамғармасини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланишни назарда тутадиган пул муносабатлари тизимидир»⁹

Бюджет муносабатлари давлат билан хўжалик субъектлари ҳамда аҳоли ўртасидаги қиймат тақсимланиши жараёнида пайдо бўлувчи молиявий муносабатлардир. Бундай молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичида вужудга келади, иккинчидан, марказлаштирилган молиявий ресурсларни шакллантириш ва ундан давлат манфаатлари юзасидан фойдаланишга йўналтирилади.

⁸Срожиддинова З.Х.Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик . – Тошкент: infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, 2010. – 8 б.

⁹Сабанти Б.М. Теория финансов: Учебное пособие. 2-е изд. – М.: «Менеджер», 2000. – с. 99.

Профессорлар Т.С. Маликов ва Н.Х.Хайдаровлар ялпи ички (миллий) маҳсулотни Давлат бюджети орқали тақсимлаш босқичлари сифатида 3 та асосий жараёнини ифодалайдилар. Буни қуйидаги расм орқали кўришимиз мумкин.



1.2-расм. Ялпи ички (миллий) маҳсулотни давлат бюджети орқали тақсимлаш босқичлари¹⁰

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, ялпи ички (миллий) маҳсулотни давлат бюджети орқали тақсимлашнинг биринчи босқичида бирламчи тақсимлаш жараёнида марказлаштирилган фондлар шакллантирилади. Бунда солиқлар ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, миллий даромадни тақсимлаш орқали давлат бюджети даромадларини шакллантириб берилади. Аксарият ҳолатларда солиқларга нисбатан давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатидаги сифат тавсифи берилади. Бизнинг фикримизча, назарий жиҳатдан олиб қараганда солиқлар давлат бюджети даромадини асосий манбаи эмас, балки улар миллий даромадни ёки миллий бойлининг бир қисmini бюджетга мобилизация қилиш воситаси, инструменти ҳисобланади.

¹⁰ Маликов Т. С., Хайдаров Н. Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й.- 87 б.

Давлат бюджети даромадининг асосий молиявий манбаи миллий даромад ҳисобланади.

Ялпи ички (миллий) маҳсулотни давлат бюджети орқали тақсимлашнинг иккинчи боқичда эса яратилган даромадлар ҳудудлар ўртасида қайта тақсимланади. Бунда ҳудудлардаги шакллантирилган маҳаллий бюджетларни мувозанатлаштириш жараёни содир бўлиб, ҳозирда бундай мувозанатлаштиришда субвенциялар амалиётдан кенг ойдаланилади ва бундай мувозанатлаштиришда Республика бюджети марказий ўринни эгаллайди.

Ялпи ички (миллий) маҳсулотни давлат бюджети орқали тақсимлашнинг учинчи босқичи, қайта тақсимлаш категориялари яъни бюджет харажатларини ўзида ифодалайди. Харажатларининг асосий функционал вазифалари давлатнинг ижтимоий, иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатини молиявий таъмилаш ҳисобланади. Демак, давлат бюджети даромадларни марказлаштириш, ҳудудлар кесимида миллий даромадни қайта тақсимлаш, миллий даромадни аҳолининг ижтимоий қатламари ўртасида қайта тақсимлаш орқали миллий иқтисодиётнинг миқдор ва сифат жиҳатидан тараққий этиб боришига таъсир ўтказади.

Ҳақиқатда ҳам давлат бюджети ҳозирги аксарият мамлакатлар макроиқтисодий сиёсатида миллий иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим инструментларидан бири ҳисобланади. Мос равишда бунда давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва унинг харажат сиёсати орқали миллий иқтисодиётни тартибга солиш имкониятларига эга бўлинади.

Бюджет воситасида давлат иқтисодиётга фаол таъсир қилиш имкониятларига эга бўлади. Чунки бюджет воситасида иқтисодиётнинг йирик миқдордаги пул ресурслари тармоқлар ва ҳудудлар уртасида қайта тақсимланади. Демак, бюджет даромадларини шакллантириш ва улардан ижтимоий эҳтиёжлар учун фойдаланиш жараёнида давлатнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги пул даромадлари ва жамғармаларни тартибга солади, мамлакатларнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий потенциал, инвестицион

фаолликни ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан боғлиқ ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш имкониятларига эга бўлади.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда Республикамизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминланишида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва унда давлат бюджетининг тартибга солувчи хусусияти юқори аҳамият касб этмоқда.

Аксарият ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги мутаносибликлар, хусусан реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга келган ва йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг хусусий корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг қўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий архитектурада жиддий нуқсонларга йўл қўйилиши, миллий иқтисодиётдаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиши ва борган сари кескин, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тус олишига сабаб бўлди.

Инқироздан қутулиш, ёки унинг салбий оқибатларини нейтраллаштириш мақсадида ҳар бир мамлакат кесимида инқирозга қарши чоралар дастурлари ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилиши режалаштирилган чора тадбирларнинг залворли юки ҳар бир мамлакат бюджет тизимига тушди. Натижада инқироз таъсирида даромадларнинг нобарқарорлиги шароитида йирик миқдордаги бюджет харажатларининг амалга оширилиши аксарият мамлакатлар давлат молияси тизимидаги таназзулли ҳолатларни бошлаб берди. Бу аксарият оммавий

ахборот воситалари “Инқирознинг навбатдаги тўлқини”¹¹ деб ҳам номлана борди.

Бюджет тақчиллигининг кучайиши муқаррар равишда давлат қарзини келтириб чиқаради. Яъни, бюджет тақчиллиги асосан давлат қарзи ҳисобига қопланиб, у ички ва ташқи қарзлардан иборат бўлади. Ички қарз давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, бюджетдан ташқари турли фондлар (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди) олинган қарзлардан иборат бўлса, ташқи қарз хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз ҳисобланади. Жаҳондаги 50 та йирик давлатнинг ташқи қарзи 65 трлн. долл.га етди, бироқ бу ҳали сўнгги чегара эмас: Европа комиссиясининг маълумотига кўра евроҳудуддаги аксарият давлатларнинг ташқи қарзи фақат ўсиб бормоқда.

Хусусан, Испания, Франция, Греция, Португалия ва Ирландияда 2012-2013 йиллардаги ЯИМга нисбатан қарзнинг кўпайиши кутилмоқда¹².

Халқаро кредиторлар ташкилоти (WOC) таҳлилчилари ҳолатни ўрганган ҳолда, сўнгги йилларда йирик иқтисодий эга мамлакатларнинг ташқи қарзи қисқармай, балки ўсиб бораётганлиги тўғрисидаги хулосага келдилар. Шундай қилиб, ўсиш давлат томонидан иқтисодийга маблағларнинг, жумладан, норезидентлардан қарз олиш ҳисобига киритилиши билан шартланган.

Юқоридаги ҳолатлар шунини тасдиқлайдики, замонавий шароитларда ҳукм сураётган молиявий-иқтисодий инқироз молия тизими ва унинг муҳим бўғини ҳисобланган давлатнинг бюджет тизими олдида қатор янги вазифаларни юкламоқда. Бундай вазифаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

¹¹ Ахунова Г.Н., Курбонов Х.А. Замонавий молия тизими. Электрон ўқув-услубий мажмуа.-Тошкент: ТДИУ, 2012 й.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. – 14 бет.

биринчидан, давлат бюджети иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим инструменти бўлмоқда. Иқтисодиётга давлат инвестицияларини амалга ошириш, инқироз жиддий таъсир этган соҳа ва тармоқларини қўллаб-қувватлаш, а йниқса банк-молия тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш била боғлиқ вазифалар давлат бюджетига юкланмоқда;

иккинчидан, ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида аксарият мамлакатларда истеъмол талабининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундай шароитда ялпи талаб ва унинг асосий компоненти бўлган истеъмол талабини рағбатлантириш бўйича давлат бюджети олдида янги вазифалар юкланмоқда. Бундай вазифалар қаторида миллий иқтисодиётнинг жаҳон молиявий –иқтисодий инқирозига нисбатан ўзига хос иммунитетини шакллантириш, иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш каби ислохотларни амалга ошириш бўйича иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам тизимини шакллантириш ҳисобланади.

1.2. Давлат бюджети харажатларининг миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни.

Давлат бюджети харажатлари давлат бюджети орқали ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш жараёни содир бўлади. Давлат бюджети харажатларининг миқдори ва унинг структураси давлатнинг жамиятда олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларига бевосита боғлиқдир. Чунки, давлат бюджети харажатлари давлатнинг функция ва вазифаларини молиявий таъминлайди.

Бу тўғрисида профессор Т.С.. Маликовнинг фикрлари қийдагичадир, “Давлатнинг ўз функциялари ва вазифаларини бажариши билан боғлиқ равишда вужудга келган чиқимлар бюджет харажатлари дейилади. Бу чиқимлар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларини турли

йўналишлар бўйича фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди»¹³.

Бюджет харажатлари умумий молиявий категория бўлган бюджетнинг кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли бўлган умумий хусусиятларга эгадир, яъни улар тақсимлаш характериға эға, ифодаланишнинг пул шакли хос, пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шу билан биргаликда бюджет харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли соҳаларға йўналтириლაётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бюджет харажатларининг роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уларни маълум белгиларға кўра туркумлаштириш мақсадға мувофиқ. Назария ва амалиётда бюджет харажатларини классификация қилишнинг бир неча белгилари мавжуд. Улар ўзларининг иқтисодий мазмуни, функционаллиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли, ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари ёки идоравий бўлиниши, ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича, ҳудудий туркумланиши, маълум мақсадлари ва юридик нуктаи-назардан ёки давлат бошқаруви даражасига кўра алоҳида гуруҳларға ажратилиши мумкин.

Ўзининг иқтисодий мазмуниға кўра бюджет харажатлари капитал ва жорий харажатларға бўлинади. Бу харажатлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёниға уларнинг қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини ифода этади.

Бюджетнинг харажат қисмини асосан ижтимоий-маданий тадбирлар ва иқтисодий харажатлар банд этади. Иқтисодий харажатларнинг ўзи ҳам 2 қисмға бўлинади:

¹³ Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2008 й.- 234 б.

1. Халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш харажатлари. Бу йўналишдаги харажатлар асосан кам даромад кўрувчи, лекин давлат миқёсида зарур бўлган давлат тармоғидаги нархларга сарфланади. Бундай корхоналарга мисол қилиб кўмир конларини, қишлоқ хўжалиги корхоналарини, транспорт ташкилотларини келтириш мумкин.

2. Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари. Бу йўналишдаги харажатларга янги корхоналарни куриш учун мўлжалланган маблағлар киради. Иқтисодий харажатларга бюджетдан тахминан 20-25 % миқдоридаги маблағлар сарфланади. Бюджет харажатлари моддий ишлаб чиқариш соҳасига режалаштирилганда шу соҳанинг ўзига тегишли маблағлар ҳисобга олинади ва етишмаган қисмигагина бюджетдан давлатнинг иқтисодий - ижтимоий ривожланиш дастурига биноан маблағлар ажратилади.

Ижтимоий харажатлар асосан ижтимоий - маданий тадбир харажатларига ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларига бўлинади. Бу йўналишдаги харажатлар номоддий соҳага мўлжалланган маблағлар ҳисобланади. Бюджетнинг тахминан 50 % дан ортиқ харажати ижтимоий соҳа ва аҳолини ҳимоя қилишга сарфланади. Бу харажатларга маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, фан ва бошқаларга мўлжалланган маблағларни санаб ўтиш мумкин. Тахминан 25-30 % бюджет харажатлари маориф харажатларига сарфланади.

Бюджет корхоналари ичида яна бир гуруҳ харажатлар, бошқарув органларини таъминлаш харажатлари ҳам режалаштирилади.

Умуман олганда, бюджет харажатлари мақсадга мувофиқ қуйидаги гуруҳларга бўлинади: - ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб - қувватлаш; - иқтисодиёт; - марказлашган инвестицияларни молиялаштириш; - Давлат бошқарув органларини сақлаш; - фуқароларнинг ўз - ўзини бошқариш органларини сақлаш харажатлари ва бошқа харажатлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармаси.

Бюджетнинг капитал харажатлари инновацион ва инвестицион фаолиятга йўналтирилган харажатлардир. Бу харажатларнинг таркибига:

а) тасдиқланган инвестицион дастурга мувофиқ ҳаракатдаги ёки янгидан ташкил этилаётган юридик шахсларга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар;

б) юридик шахсларга инвестицион мақсадлар учун бюджет кредитлари сифатида бериладиган маблағлар;

в) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган капитал таъмирлашни амалга ошириш харажатлари ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар;

г) амалга оширилиши давлат мулкига тегишли бўлган мулкни ошириш ёки уни янгидан яратишга олиб келадиган харажатлар;

д) бюджет харажатларининг иқтисодий туркумланишига мувофиқ бюджетнинг капитал харажатлари таркибига киритиладиган бошқа харажатлар киради.

Бюджетнинг жорий харажатлари таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- давлат истеъмоли харажатлари (иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани, миллий хўжаликнинг давлат дармоқларини сақлаш, фуқаролик ва ҳарбий характердаги товарлар ва хизматларни сотиб олиш, давлат муассасаларининг жорий харажатлари);

- ҳокимиятнинг қуйи органлари, давлат корхоналари ва хусусий корхоналарга жорий субсидиялар;

- трансферт тўловлари;

- давлат қарзлари бўйича фоизларни тўлаш;

- бошқа харажатлар.

Бу харажатлар оддий бюджетда ёки жорий харажатлар ва даромадлар бюджетида акс этган чиқимларга, асосан, мос келади.

Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига кўра бюджет харажатлари миллий иқтисодиётга (хўжаликка) қилинадиган харажатлар ва ижтимоий соҳа ҳамда


аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш харажатларига бўлинади. Бу харажатларга, энг аввало, давлат корхоналари ва давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш, уларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш, давлат моддий заҳираларини яратиш харажатлари киради. Бюджетнинг ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш харажатлари ҳам ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган харажатлардир. Бу харажатлар истеъмол фондларини шакллантириш билан боғлиқ. Уларнинг бир қисми жамият аъзоларининг индивидуаль эҳтиёжларини, бошқа бир қисми эса бутун жамиятнинг эҳтиёжларини кондирришга мўлжалланган. Бу ерда бюджет харажатлари ижтимоий истеъмол фондларини (мамлакатнинг муҳофаа фонди, илмий тадқиқотлар фонди ва бошқалар) шакллантиришни тўлиқ, шахсий истеъмол фондларини эса қисман (номарказлаштирилган молиявий ресурслар билан биргаликда) таъминлайди. Шу билан биргаликда, бюджет маблағларининг катта қисми шахсий истеъмол фондларининг ижтимоий истеъмол фондларига (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳоси ўртасидаги фарқларни қоплаш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар фондлари ва бошқалар) тегишли бўлган қисмини шакллантиришда кенг фойдаланилади.

Давлат бюджетининг харажатлари ўзининг турли уманлиги, харажатларининг сафрланиш хусусиятлари ҳамда уларнинг қайси тармоқ ёки соҳаларга сарфанишига қараб туркумларга ажратилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат бюджети харажатлари умумий тарзда таснифланади ва ҳозирги шароитда давлат бюджети харажатларининг умумий таснифланиши бўйича ижтимоий соҳаларга қилинган харажатлар устувор аҳамият касб этади.

Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида бюджет харажатлари қуйидагилардан ибратлиги бегилаб қўйилган:¹⁴

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда



1.3-расм. Давлат бюджет харажатларининг турлари ва гуруҳланиши¹⁵.

Давлат бюджетининг харажат қисми таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари ҳисобга олинади.

Миллий хўжаликка (иқтисодиётга) бюджетдан харажатларнинг қилиниши давлатнинг ҳамон хўжалик юритувчи асосий субъектлардан бири эканлигидан дарак беради. Айнан бу харажатлар катта масштабларда янги саноат корхоналарини қуриш, замонавий индустриал асосда қишлоқ

¹⁵ Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, транспорт, алоқа ва иқтисодиёт бошқа тармоқларининг техникавий қайта қуролланишини таъминлашга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бюджетнинг бу харажатлари орасида иқтисодиётга харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари алоҳида ўринни эгаллайди.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ўлчами билан бюджетнинг роли ошиб боради ва у жами халқ хўжалигининг бюджетига айланиб боради.

Бюджетдан иқтисодий соҳага пул ажратишдан асосий мақсад, давлатнинг бу соҳага аралашувини таъминлаб туришдир. Давлатни иқтисодиётга аралашини эса иқтисодиётни ўсишида муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги шароитда республикамизда бу жуда муҳимдир.

Иқтисодий соҳага ажратилган бюджет маблағлари ичида марказлашган инвестицияни молиялаштириш харажатлари муҳим роль ўйнайди ва катта салмоқни эгаллайди. Бу турдаги харажатларни сарфлашдан иқтисодий ўсиш талаб ҳажмига ва ички бозорни шакллантиришга таъсир ўтказиш каби мақсадлар кўзда тутилади. АҚШ собиқ молия вазири У. Сайман фикрича давлатни иқтисодий ўсишига иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий омиллардан ҳеч бири марказлашган инвестиция даражасида таъсир кўрсата олмайди.

Марказлашган инвестицияни молиялаштириш асосий капиталнинг кенгайиши ва янгиланиши, капитал йиғимига таъсир ўтказиш каби ўз хусусиятлари мавжуд. Бундан ташқари иқсодий инқироз даврида кўпгина ҳозирги ривожланган мамлакатлар ўз маблағларини шундай соҳаларга сафарбар этганларки, натижада бу соҳалар бутун бир иқтисодни кўтарилишига таъсир қилади. Бундай соҳаларга илмий изланиш соҳалари ва технологик мураккаб тузилишга, бошқаришга асосланган соҳалар кирадик, уларга авваламбор олдиндан катта миқдорда харажатлар қилишга тўғри келади. Албатта, бундай ишларга давлатдан ташқари бошқа субъектлар маблағлар ажратмайди.

Давлат корхоналарининг салмоғи юқори бўлган давлатларда (Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия) бюджет маблағларининг кўпгина қисми давлат корхоналарига сарфланади. Бундай корхоналарга металлургия ва иссиқлик энергия соҳалари, транспорт, алоқа, атом энергиясини киритиш мумкин. Бу соҳалар бошқа соҳаларнинг ривожланиши учун зарур ҳисобланади. Бюджетдан иқтисодий соҳани молиялаштириш инқироз даврида кенг тус олади. Кўпчилик давлатларда давлат томонидан молияланган бюджетнинг 20-25 % ини ташкил қилади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг асосий йўналишларидан бири илмий-техникавий ривожланишга кўмаклашувидир. Бу соҳанинг ривожланиши кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Бу соҳанинг ривожланиши иқтисодиётда муҳим ўзгаришларга олиб келади, янги соҳаларнинг пайдо бўлишини, иқтисодий самарадорликни ўсишини, соҳалараро бандликнинг тўғри тақсимланишини, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатнинг кучайишини таъминлайди. Иқтисодий соҳани ривожлантириш учун қилинадиган харажатлар ичида ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа инфратузилмаларини молиялаштириш ҳам салмоқли ўринга эга. Бундай соҳа, корхона, объектлар моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий маданий турмуш даражасини оширишда кўмаклашадилар. Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасига барча турдаги транспорт ташкилотлари ва транспортсозлик соҳалари (автойўллар, портлар, аэродромлар), алоқа тизими (телефон, телеграф), электр, газ, сув иншоотлари ва бошқалар киради. Ижтимоий инфратузилмага тиббиёт ва ўқув муассасалари, спорт ва маданий тадбирлар киради. Ривожланган мамлакатларда инфратузилмага энг кўп маблағ ажратадиган давлатлар қаторига АҚШ, Германия, Япония киради. АҚШда йўл қурилиши учун бюджетдан сезиларли даражада ажратмалар қилинади.

Юқорида келтирилган харажатларни умумий хусусиятга эга бўлсада, алоҳида олинган давлатда ушбу харажатлар молиялаштириш давлат сиёсатидан келиб чиқади. Масалан, Франция ҳукумати кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритувчи корхоналарга бюджетдан бевосита маблағ ажратади. Кўпчилик давлатларда эса ушбу мақсадда давлат кредитидан фойдаланилади. Кредитлар давлат бюджетидан давлат корхоналари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳамда хусусий секторга берилади. Бюджетдан бериладиган кредит узоқ муддатли характерга эга бўлиб, банк кредитига нисбатан имтиёзлилиқ даражаси юқори бўлади.

Кўпгина мамлакатлар, жумладан Буюк Британияда ҳам бюджет харажатлари таркибида халқ хўжалиги соҳаларининг маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш ва уни рағбатлантиришга қаратилган харажат турлари мавжуд.

Иқтисодий харажатлардан яна бири экологик муаммоларни, атроф - муҳит ва табиат ресурсларини сақлаш учун қилинаётган харажатлардир. Бу турдаги харажатларни бюджетдан молиялаштиришда АҚШ олдинги ўринларда туради.

Иқтисодий харажатларнинг муҳим кўринишларидан бири субсидиялар ҳисобланади. Субсидиялар давлат ёрдамига муҳтож бўлган алоҳида хўжалик ва тармоқларга берилади. Агар давлатнинг давлат корхоналари, инфратузилма, илмий изланишларга қилган харажатлари иқтисодиётга билвосита таъсир ўтказса, субсидиялар тўғридан-тўғри таъсир ўтказади. Субсидиялар турли хил кўринишда бўлади: дотациялар (зарарни қоплаш учун), экспортни суғурталаш, мукофотлар, нархларнинг мувозанатини ушлаб туриш харажатлари ва ҳ.к.

Иқтисодий соҳа харажатларига давлат бюджетидан маҳаллий ҳокимиятларга бериладиган субсидияларни ҳам қўшиш мумкин. Бундай субсидиялар ривожланган мамлакатларда маҳаллий бюджет даромадларининг 20-25 % ини ташкил қилади. Бу турдаги ёрдамни ажратиш бўйича Буюк Британия, АҚШ, Франция давлатлари олдинги ўринларда туради.

1.3. Давлат бюджети харажатлари орқали макроиқтисодий мувозанатга таъсир этишнинг назарий асослари

Жамият иқтисодий тараққиёти бир томондан унинг ички механизмига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бошқарувнинг характериға, ижтимоий-сиёсий ҳолатга, мувозанатга боғлиқ бўлади. Мазкур жараёнда ижтимоий сиёсат алоҳида рол ўйнайди. Ижтимоий сиёсат ўз навбатида ички ва ташқи маданий-маърифий, сиёсий, иқтисодий сиёсат кабиларга бўлинади. Иқтисодий сиёсат ҳам ўз навбатида молия, пул-кредит, бюджет, солиқ сиёсати каби турларда амал қилиб, уларни яхлитлиги макроиқтисодий даражада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг асосий ажралмас қисмига айланади.

Бизга маълумки, давлат томонидан олиб бориладиган иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг таъмилаш ҳисобланади.


Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг ўзи кенг ва комплекс тушунча бўлиб, Иқтисодчи А.Набихўжаевнинг фикрича, макроиқтисодий барқарорлик том маънода, изчил иқтисодий ўсиш суръатлари, мўтадил даражадаги ишсизлик, бақувват тўлов баланси, меъёрдаги инфляция, мўтадил даражадаги бюджет тақчиллиги ёки профицит каби кўрсаткичлар орқали ҳам ифдалаш мумкин.

Ҳозирги шароитда республикамизда олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида эришилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланаётганлигига қармасдан, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган айрим масалалар мавжудки, ушбу муаммолар ўз навбатида Республикамизда макроиқтисодий барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар бўйича янги вазифаларни белгилаб беради. Бу борада мухтарам Президентимиз Ислом каимов қуйидаги фикрларни айтиб ўтга эдилар, “ Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва

имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган»¹⁶.

Ушбу ислохотларни амалга ошириш, макроиқтисодий сиёсатининг асосий таркибий эменти ҳисобланган бюджет-солиқ сиёсатини ҳам янада чуқурлаштиришни талаб қилади.

Бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий мазмунига доир турли хил карашларни таҳлил қилиш, аниқ иқтисодий - ижтимоий тизимлар шароитидаги ва амал қилиш хусусиятларини ҳамда давлатнинг иқтисодиётга самарали таъсир қилиш дастакларидан эканлигини асослаш ва миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигини таъминлашдаги устувор йўналишларини, аниқ иқтисодий тамойилларини белгилаш зарурдир.



1.4-расм. Бюджет-солиқ сиёсати ва унинг турлари¹⁷

¹⁶ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Ҳалқ сўзи газетаси. 2014 йил.

¹⁷ Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Чунки, давлат пайдо бўлиши билан бюджет-солиқ сиёсати жамиятдаги турли хил иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг зарурий таркибий қисмларидан ва жамият ривожланиши объектив равишда тақозо қиладиган талабларидан бири бўлиб келган. Давлат тузилиши шакллари ва жамиятнинг шу жумладан молиявий сиёсат дастаклари ўзгариб тўхтовсиз такомиллашиб борган.

Иқтисодий ўсиш мақсадларидан келиб чиқиб, бюджет-солиқ сиёсати бандлик даражасини ва шу орқали ЯММ реал ҳажмини оширишга йўналтирилади. Бунда рағбатлантирувчи фискал сиёсат дастаклари бўлиб:

- давлат харажатларининг ўсиши;
- солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобланади.


Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда давлат бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий сиёсат иқтисодий инқироз ёки турғунлик даврида бюджет тақчиллигини бартараф етиш мақсадларига қаратилиши зарур.

Агар давлат ўзининг фискал ва харажатлар сиёсатидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир меъёрда ушлаб туришга ва нархларнинг барқарорлигини таъминлашга интилса, бунда у иқтисодиётда барқарорлаштириш сиёсатини олиб боришга интилаётган бўлади. Бунда бақарорлаштириш сиёсатига давлатнинг иқтисодий жараёнларини рағбатлантириш ёки ушлаб туришга қаратилган молиявий сиёсат, деб қараш керак эмас, чунки улар турлича мақсадни кўзлаб бир - биридан фарқланадилар.

Давлатнинг иқтисодий фаолиятни чегаралаш сиёсати ўз навбатида потенциал даражасидан кескин фарқ қиладиган реал ЯММ ҳажмини камайтиришга йўналтирилган бўлиб, бу давлатнинг иқтисодий ўсиш ва унинг пасайиш давлари инфляция ва тақрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги инқирозлардан қочишидир.

Иқтисодиётни молиявий тартибга солишда давлат бюджетидан фойдаланиш йўналишлари ёки имкониятлари бир пайтнинг зид солиқлар ва

давлат харажатлари орқали намоён бўлади. Буни “Ресурслар-товарлар ва хизматлар” ҳамда “даромадлар – харажатлар”нинг давлат аралашуви мавжуд иқтисодиётдаги доиравий айланиши модели орқали кўриб чиқамиз.



1.5-расм. “Ресурслар-товарлар ва хизматлар” ҳамда “даромадлар –харажатлар”нинг давлат аралашуви мавжуд иқтисодиётдаги доиравий айланиши модели.

Бир вақтнинг ўзида корпоратив секторни (фирмалар) солиққа тортилади ва шунингдек, субсидиялар орқали айрим тармоқларда фаолит юритувчи хўжалик субъектларининг фаолияти рағбатлатирилади. Шунингдек, уй хўжаликларини солиққа тортиш, ёки аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатлами учун ижтимоий трансфертлар ажратиш воситасида уй хўжаликларининг истеъмол талаби тартибга солиб турилади. Умуман, фирмалар, уй хўжаликари фаолиятини солиққа тортиш ва улага субсидияар, ижтмоий трансфертлар ажратиш ҳисобига иқтисодиётдаги ялпи талаб тартибга солиб турилади. Давлатнинг ўзи бир пайтнинг ўзида товарлар ва хизматлар ёки ресурслар бозорига товарлар ва хизматлар ҳамда ресурслар таклиф таклиф қилади. Шунингдек, ушбу бозорарда товарлар ва хизматлар ҳамда ресурсларга нисбатан талаб сифатида майдонга чиқади. Масалан,

тоарлар ва хизматларни давлат хариди воситасида сотб олинади. Бу борада эришилган натижаларга тўхталиб, мухтарам преидентимиз ислом каримов куйидаги фикрларни айтиб ўтган эдилар, “2013 йилда электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми 417 миллиард сўмни ташкил этди ва савдо якунлари бўйича 83 миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинди. Бунда давлат харидлари доирасида сотувга қўйилган товар ва хизматларнинг 83 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилганини алоҳида қайд этиш керак”¹⁸.

Солиқ юкини кўтариш ёки давлат харажатларини қисқартириш бўйича чорат тадбирларга эҳтиёж асосан бюджет тақчиллиги юзасидан амалга оширилишини инобага олиб аксарият иқтисодчилар ушбу чора тадбирларни аксарият ҳолатларда уй хўжаликларининг ялпи талаби ва корпоратив сектордаги ялпи таклифга таъсири билан болайдилар. Масалан, Таниқли иқтисодчилар Р.Барро ва Д. Рикардолар солиқларни ошириш ёки бюджет тақчиллигини қарзли молиялаштиришдан кутиладиган оқибатни бир хил баҳолайдилар.

Солиқ юкининг пасайиши бюджетга ундирилиши лозим билан даромадларни қисқаришига олиб келади. Бундай шароитда бюджетда тақчиллик вужудга келиши мумкин. Бунинг математик ифодасини куйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$G_1 - T_1 = BD = \Delta B. \quad (1.1)$$

Бу ерда,

G_1 - биринчи даврдаги давлат бюджети харажатлари;

T_1 – биринчи даврдаги солиқлар

$BD = \Delta B$ - бюджет тақчилиги.

Кейинги босқичда давлат бюджет тақчиллигини қоплаш учун солиқларни кўпайтиради ва ΔB ҳажмдаги тақчиликни қоплайди.

¹⁸ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Ҳалқ сўзи газетаси. 2014 йил.

$$T_2 = G_2 + (G_1 - T_1)(1+r). \quad (1.2)$$

Бу ерда,

T_2 –кейинги даврдаги солиқ тушумлари;

G_2 - кейинги даврдаги давлат бюджети харажатлари

Агар келгуси солиқ тушумларининг жорий қиймати келгуси давлат бюджети харажатларининг жорий қийматига тенг бўладиган бўлса, юқоридаги тенгмани қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади.

$$T_1 + \frac{T_2}{1+r} = G_1 + \frac{G_2}{1+r}. \quad (1.3)$$

Иқтисодчилар томонидан кўтарилган ушбу масада, индивидларнинг солиқларни қисқаришига таъсири ўрганилган.

Юқоридаги ҳолатлар тасдиқлайдики, солиқларнинг қисқариши индивидумларни истеъмол харажатларини кенгайтишига таъсир этмайди. Солиқларнинг қисқариши ҳисобига ҳосил бўладиган тақчилликни давлат бошқа манбалар ҳисобига қоплайди. Р.Барро томонидан ривожлантирилган ушбу назарияда кўзда тутиладики, иқтисодий субъектлар рационал кутиш одатда ва ҳар қандай тақчиллик келгусидаги нисбатан юқори солиқлар ҳисобига копланиши муқаррари эътироф этилади.

Солиқларни ўзгартириш билан боғлиқ давлат тадбирларига солиқ тўловчи индивидлар реакцияси бўйича яна бир, гипотезани кўриб чиқамиз.

Ирвинг Фишер бу борадаги тадқиқотларни амалга ошириб, вақтлараро танлов моделини ишлаб чиққан. Ушбу моделнинг график тузилиши қуйидаги расмда ифодаланади.

Мантиқан шундай хулоса қилса бўладики, жами истеъмол даражаси ҳар бир индивиднинг ихтиёрдаги даромадга тенг бўлади. Буни қуйидагича математик ифодалаш мумкин:


$$C_1 + \frac{C_2}{1+r} = (Y_1 - T_1) + \frac{Y_2 - T_2}{1+r}. \quad (1.4)$$

Бу ерда,

C -истемол кўрсаткичи;

Y - жами даромад;

r - келгуси пул оқимларини жорий қийматини ҳисоблаш учун муқобил фоиз нормаси;



1.6-расм. Ирвинг Фишер вақтлараро танлов модели

Солиқларнинг пасайтирилиши истеъмолчининг ўзига хос равишдаги танловини ўзгартирмайди. Бунни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$C_1 + \frac{C_2}{1+r} = (Y_1 - T_1 + \Delta T) + \frac{Y_2 - T_2 - (1+r)\Delta T}{1+r} =$$
$$C_1 + \frac{C_2}{1+r} = Y_1 - T_1 + \Delta T + \frac{Y_2 - T_2}{1+r} - \Delta T = C_1 + \frac{C_2}{1+r} = (Y_1 - T_1) + \frac{Y_2 - T_2}{1+r} . \quad (1.5)$$

Демак, жорий даврда солиқ юкини пасайтириш натижасида солиқ тўловчилар зиммасидаги, солиқларни пасайтириш истеъмолнинг ўсишига таъсир этмайди. Балки, соф бойликнинг ўсиши орқали жамғаришнинг ортишига олиб келади.

1-боб бўйича хулосалар

Жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ҳамда салбий тенденциялар шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий

иқтисодиётни модернизациялаш каби кенг кўламли ислохотлар шароитида давлат бюджети миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг асосий молиявий инструментларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат бюджети харажатлари марказий ўринни эгаллайди.

Давлат бюджетининг иқтисодий мазмуни ва миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини тадқиқ этиб қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Давлат бюджети:

- молия тизимининг етакчи бўғини сифатида асосий марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади ва бошқа фондлардан фарқли равишда давлат бюджети орқали ЯИМнинг сезиларли қисми қайта тақсимланади;

- пул(молиявий) муносабатларнинг алоҳида тизимини сифатида императив тавсифдаги молиявий муносабатларни ўзида ифодалайди;

- давлатнинг молия йилига мўлжалланган асосий молиявий режаси;

- ЯИМ ва миллий даромадни соҳалар, тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида тақсимлаш воситаси;

- давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни молиявий таъминлашнинг асосий манбаи;

- миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг кенг арсеналини ўзида мужассамлаштиради.

2. Давлат бюджети харажатларининг асосий вазифаси давлатнинг функция ва вазифаларини молиявий таъмилаш ҳисобланади.

3. Бюджет орқали миллий иқтисодиётни тартибга солиш тизимида давлат бюджети харажатлари марказий ўринни эгаллайди. Айниқса, ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида давлат бюджети харажатлари миллий иқтисодиётимизда кузатилаётган изчил иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ялпи талабни ва унинг таркибидаги ялпи истеъмол талабини ривожлантирилмоқда.

П.БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга бюджет харажатларининг динамикасини таҳлили


Мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида эришилаётган натижаларнинг йилдан-йилга тобора салмоқли ва аҳамиятли бўлиб бораётганлиги мустақил тараққиёт даврида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг пухта ва асосли эканлигини, энг муҳими, улар негизида фуқароларимизнинг орзу-умидлари ва манфаатлари ўз аксини топганлигини яққол намоён этмоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Жамиятнинг буюк келажагини яратишда босиб ўтилаётган ҳар бир йил ўзига хос ҳисса қўшиши, юксалишнинг мураккаб, изчил ва давомли йўлида алоҳида поғона бўлиб хизмат қилиши эътиборлидир. Айни пайтда, мустақиллик йилларида мамлакат миқёсида эришилган ютуқ ва натижаларни ўрганиш, келгусида янада юксакроқ марраларни қўлга киритиш борасидаги устувор йўналишларни белгилаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Барқарор иқтисодий ўсиш концепцияси мувофиқ мамлакатимизда самарали ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш жамиятда аҳолини турмуш фаровонлигини изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш учун шарт-шароит яратади.

Мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида

шакланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминламоқда. Ушбу ҳолатни таъминлашга таъсир этувчи омиллар қуйидаги расмда келтирилган.



2.1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар¹⁹.

Мазкур омиллар таъсирида 2012 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилиб, унинг мутлақ ҳажми 96,6 трлн. сўмга тенг бўлди.

2.1-жадвал.
Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда²⁰

Кўрсаткич	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Саноат ишлаб чиқариши	8,3	6,3	7,7	8,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,8	6,6	7,0	6,8
Чакана савдо айланмаси	14,7	16,4	13,9	14,8

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. – 15 бет.

²⁰ Манба: <http://www.mf.uz> сайти маълумотларидан фойдаланилди.

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда.

Жадвалдан кўринадик, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 2013 йилда эса 8,8%га ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда ушбу ўсиш 6,8%ни ташкил этди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2013 йилда чакана товар айланмасининг 2012 йилга нисбатан 14,8 фоизга ўсиши кузатилди. Ички таабни рағбатлатириш давлат сиёсатида давлат бюджетининг аҳамияти юқори бўлди.

Давлат бюджети республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муҳим молиявий манба ролини ўйнамоқда. Бун қуйидаги жадвал орқали кўриб ўтишимиз мумкин.

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий-маданий тадбир харажатлари йил сайин ошиб борган. Кейинги 5 йил мобайнида жами бюджет харажатларининг таркибида ижтимоий соҳага қилинаётган харажатлар ўсиб борган. Ушбу ҳолат ўз навбатида, жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида Республикамизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг узок, стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.

Иқтисодиёт харажатлари эса 2010 йилда 1561 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами бюджет харажатларида 11,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 10,7 %ни ташкил этган. Лекин Ушбу харажатлар номинал мазмунда 2010 йилда 1561 млрд. сўм, 2011 йилда 1938 млрд. сўм , 2012 йилда эса 2338

млрд. сўми, 2013 йилда 2791 млрд. сўми ташкил этаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2010 йилда 840 млрд. сўм маблағ сарфланган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1500 млрд. сўми яъни жами бюджет харажатларининг 4,75ини ташкил этиши кўзда тутилган.

Бу ўз навбатида ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

2.2.-жадвал

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби²¹

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%да	Млрд. сўм	%да
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	13550	100	16802	100	21190	100	26312	100	31582,3	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	7864	58,1	9723	58,2	12338	58,3	15573	59,2	18783,4	59,4
Иқтисодиёт харажатлари	1 561	11,5	1938	11,5	2338	11	2791	10,6	3385,3	10,7
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	840	6,1	1037	6,1	1174	5,5	1300	4,9	1500,0	4,7
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	486	3,5	627	3,7	844	3,9	825	3,1	1000,8	3,1
ННТ ва Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар ва грантлар	4,5	0,003	5	0,02	6	0,02	287	1,1	343,7	1,2
Бошқа харажатлар	2 793	20,6	3472	20,6	4489	21,2	5533	21,0	6560,9	20,6

Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида бюджет сиёсатининг устувор йўналиши сифатида аҳолининг маълум ижтимоий қатламини ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланди. Шунингдек,

²¹ Манба: <http://www.mf.uz> сайти маълумотларидан фойдаланилди.

иқтисодиёт тармоқларини, хусусан, озиқ-овқат комплекси тармоғини ривожлантириш, казиб олувчи тармоқлага молиявий ёрдам кўрсатиш, кишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда уй-жой коммунал хўжалигида фаолият юритувчи корхоналар зарарларини қоплаш орқали миллий иқтисодиётни кўллаб қувватлашга харажатлар амалга оширилган. Шунингдек, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни имтиёзли кредитлаш тизими бўйича ҳам бюджетдан маблағлар ажратилди.

Давлат бюджети харажатларининг таркиби ва динамикасида ўзининг ифодасини топди. 2000-2013 йиларда юқорида тилган олинган соҳаларни фаол молиявий кўллаб-қувватлаш тизими амал қилган бўлиб, ушбу ҳолат ўтиш даврида миллий иқтисодиётнинг саноат, кишлоқ хўжалигини кўлаб-қувватлаш заруратидан келиб чиққан эди. Шунингдек, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб-қувватлаш сиёсатида давлат бюджетининг аҳамияти юқорилиги билан изоҳланади. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган тамойиллардан бири давлатнинг бош ислохотчилик ролини ўйнаши ҳисобланади.

Маълумки, Республикамизда 2000 йилдан бошлаб жамиятимизнинг барча жабҳаларида иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати кенг кўламда олиб борила бошлади. Солиқ юкини изчил камайтириш сиёсатининг юритилиши натижасида давлат бюджети харажатлари таркибида ҳам ўзгаришлар амалга оширилди. Бирламчи даражада амалга оширилиши кўздатутилган ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари давлат бюджетининг жами харажатларида устувор аҳамият касб эта бошлади. Иқтисодиётни кўллаб-қувватлаш харажатлари изчил камайтирилиб борилди. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджет харажатлари таркибидаги иқтисодиётнинг барча тармоқларини кўллаб- қувватлашга қилинган харажатлар номинал мазмунда ўсиб борган бўлсада, бюджет харажатлари таркибида уларнинг салмоғи қисқариб борди. Яъни ялпи ички

маҳсулотни жорий баҳоларда ўсиш суратидан иқтисодиётнинг барча тармоқларини қўллаб-қувватлашга ажратилган бюджет маблағларининг ўсиш суръати паст даражада бўлган.

2.3-жадвал

Иқтисодиётни қўллаб қувватлашга бюджет харажатларининг солиштира таҳлили²², фоизда

№	Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2013 й.
1.	Давлат бюджети харажатлари	100	100	100	100
4.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларини қўллаб-қувватлашга ажратилган бюджет маблағлари	12.1	8.9	7.0	6.8
3.	Жами давлат бюджетидан иқтисодиётнинг барча тармоқларига ажратилган маблағлар таркибида саноатга ажратилган маблағлар салмоғи	4.2	3.0	2.8	1.5

Ислохотларнинг кейинги босқичида, давлат бюджети харажатлари таркибидаги бошқарув органлари харажатлари ва иқтисодиётни қўллаб қувватлаш харажатларининг қисқариб бориши марказий ўринни эгаллади. Чунки, фаол эркинлаштириш сиёсатининг олиб борилиши натижасида моддий неъматлар яратиладиган тармоқлар, яъни реал сектор корхоналарининг фаол хусусийлаштирилиши натижасида уларни бюджетдан молиялаштириш тизими деярли тугатилди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасини молиявий қўллаб қувватлаш ааражатларнинг қисқариб боришини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

1. Паст рентабелли, дотацион режимдаги корхоналарни босқичма босқич тугатиш ёки уларни молиявий соғломлаштириш орқали ўз-ўзини молиялаштириш принципига асосланган ҳолда хусусийлаштириш;

2. Кўрсатиладиган хизматлари ижтимоий аҳамияти юқори бўлган корхоналарда кўрсатилган хизматлар нархини нисбатан пасайтириш мақсадида ажратиладиган дотацияларни қисқартириш. Бунда асосан, Йўл

²² Манба: <http://www.mf.uz>- сайти маълумотларидан фойдаланилди.


транспорт корхоналари, коммунал хизмат хўжалиги корхоналари ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

3. Марказлашган инвестицияларни умумий инвестициялаш кўламида босқичма-босқич қисқартириш натижасида бюджет инвестицияларининг қисқариб борилганиги кабилар билан изоҳлаш мумкин.

2.2. Давлат бюджетининг иқтисодиётни қўллаб қувватлаш харажатларининг таҳлили.

Давлат бюджетининг миллий иқтисодиётимиз аоҳида тармоқларини ривожланишида аҳамияти юқоридир. Бу ўз навбатида давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатларида ифодасини топади.

2014 йидан бошлаб янги муомалага киритилган Ўзбекистон республикасининг Бюджет кодексига биноан иқтисодиёт харажатлари қуйидаги расмда ифодаланган.




2.2-расм. Республика бюджети иқтисодиёт харажатларининг ташкилий чизмаси²³

²³ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, амалдаги қонунчиликка мувофиқ Республика бюджетининг иқтисодиёт харажатлари 5 та асосий йўналишни ўз ичига олиб, умумдават аҳамиятига эга бўлган тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар иқтисодиёт харажатлари туркумига киритилмоқда.

Шунингдек, ушбу қонунчиликда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг иқтисодиёт харажатларига қуйидагилар киитилиши кўрсатиб ўтилган.



2.2-расм. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг иқтисодиёт харажатларининг ташкилий чизмаси²⁴

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг иқтисодиёт харажатлари асосан тегишли ҳудуд қишлоқ хўжалиги, транспорт коммуникация тизимларига, уй-жой коммунал хўжалиги, ободонлаштириш харажатларини молиялаштиришдан иборатдир.

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркибини таҳлилларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларни кузатишимиз мумкин.

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатларини номинал мазмундаги таҳлилларидан кўриниб турибдики, иқтисодиётга қилинган харажатлар 2012 йилда 2338,1 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда ушбу харажатлар 3385,3 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

2.4-расм.

**Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби ва динамикаси,
млрд. сўм**

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Давлат бюджети харажатлари	21190,2	26312,3	31582,3
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	2338,1	2791,2	3385,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	766,9	863,9	995,6
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар	210,0	216,5	259,6
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалкларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	160,0	200	226,0
Бошқа харажатлар	1201,2	1510,8	1904,1

Ушбу харажатлар таркибида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари бўйича харажатлар 766,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу харажатлар 995,6 млрд. сўмни ташкил этган. Энг катта миқдорни ташкил этувчи харажатлар бошқа харажатлар ҳисобаниб, уларга юқоридаги расмда келтирилган харажатлар ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган харажатлар киритилади.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўриб чиқшимиз мумкин. Хусусан, жами давлат бюджети харажатларида иқтисодиёт харажатлари 2012 йилда 11 ни ташкил этган ҳолда бошқа харажатлар 5,7%ни ташкил этган. 2014 йилда ушбу харажатлар 6,0%ни ташкил этмоқда.

2.4- жадвал

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби²⁵, жамига нисбатан %да

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Давлат бюджети харажатлари	100	100	100
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	11,0	10,6	10,7
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	3,5	3,2	3,1
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар	0,9	0,8	0,8
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	0,7	0,7	0,7
Бошқа харажатлар	5,7	5,7	6,0

Манба: <http://www.mf.uz> - сайти маълумотларидан фойдаланилди.

Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар жами бюджет харажатларида 0,7 %ни ташкил этмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари жами бюджет харажатлари таркибида 2012 йилда 3,5%ни ташкил

²⁵ Манба: <http://www.mf.uz>- сайти маълумотларидан фойдаланилди.

этган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу харажатлар 3,1%ни ташкил этиши кўзда тутиган.

Агар биз иқтисодиёт харажатлари таркибидаги харажатларнинг ўсиш суръатини кузатадиган бўлсак, иқтисодиёт харажатларининг ўртача ўсиш динамикаси (2013 йилда 2012 йилга нисбатан 119%, 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 121%ни ташкил этиши кўзда тутилган) бошқа харажатларининг ўсиш суръатини (2013 йилда 2012 йилга нисбатан 125%, 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 126%ни ташкил этиши кўзда тутилган) юқори бўлаётганлигини кузатишимиз мумкин.

2.5-жадвал

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатларини ўтган йилга нисбатан ўсиши²⁶, %да

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил
Давлат бюджети харажатлари	124	120
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	119	121
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	113	115
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар	102	119
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	125	113
Бошқа харажатлар	125	126

Демак, жами иқтисодиёт харажатларининг ўсиш суръатига бошқа харажатларнинг сиш суръати ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Умуман, давлат бюджетидан иқтисодиёт харажатлари асосан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу орқали аграр тармоқда фаолият юритувчи корхоналарни ва хусусан, фермер хўжаликларининг

²⁶ Манба: <http://www.mf.uz>- сайти маълумотларидан фойдаланилди.

барқарор фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан, мухтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилган эди.

Бу борадаги муаммоларга тўхталиб мухтарам Президентимиз Ислон Каримов куйидаги фикрларни айтиб ўтган эдилар, “Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда”²⁷.

Давлат бюджетиинг иқтисодиёт харажатларини таркибида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиаш жамғармасига ажратмалар ҳам мавжуд бўлиб, Мелиорация ишларини ташкиллаштириш ва молиялаштиришнинг принципиал янги механизмини жорий этиш ҳамда Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

²⁷ Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 27 б.

Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-718-сонли Қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устивор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурс тежовчи усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобига, экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробарга, картошка етиштиришни 1,4 баробарга, полиз ва узумни 1,3 баробарга кўпайтириш;

- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озиқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизациялаш натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробарга, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробарга ошириш;

- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобига чорва моллари бош сонини 1,3 баробарга, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 мартага ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратилиб, паррандалар бош сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни -1,7 баробарга, гўшт консерваларини -2,2 баробарга, колбаса маҳсулотларини - 1,8 баробарга, сут маҳсулотларини -1,9 баробарга ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийиб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобига 1,4 миллион гектар ер майдони мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 % га, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 % га паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932 сонли «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ

“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилган. Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

1. Магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпик-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш.

3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда.

2.6-жадвал

2008-2013 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишлар²⁸, млрд.сўмда

Тадбирлар номи	Жами	шу жумладан (млрд.сўм)					
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	415,5	22,4	54,5	63,8	81,6	85,2	108,0
Таъмирлаш ва тиклаш ишларига	408,5	38,6	48,1	59,2	77,0	90,6	95,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб бериш	152,1	29,3	25,4	27,2	20,0	25,7	24,5
ЖАМИ	976,1	90,3	128,0	150,2	178,6	201,5	227,5

²⁸ Манба: <http://www.mf.uz> сайти маълумотларидан фойдаланилди.

Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун жами 90,3 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 227,5 млрд. сўмга етди. Ўтган 2008-2013 йиллар оралиғида жами ажратилган маблағлар қиймати 976,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлмоқда. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати 541,65 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 10 та лойиҳалар амалга оширилмоқда ва шу билан биргаликда давлат бюджети иқтисодиёт хараатлари ҳисобига мобилизация қлинган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Ўз навбатида, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш харажатларига 2014 йилда жами 3,4 трлн. сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,4 фоиз миқдорида маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

Бунда қишлоқ хўжалигини, хусусан суғориладиган деҳқончиликни етарли миқдорларда ва ишончли равишда сув билан таъминлаш мақсадида 1,5 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар сув хўжалигининг жорий харажатларига йўналтирилади.

Бундан ташқари суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан 2013-2017 йиллар даврида суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 272 млрд.сўм ажратилиши режалаштирилди.

Кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 296 минг гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ва 411 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминотининг яхшиланишига эришилади.

2014 йил Давлат бюджетида геология-қидирув ишларини молиялаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, мазкур саҳа фаолиятини юритиш учун 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 79 фоизга кўп ёки 311 млрд.сўмдан 407 млрд. сўмга маблағлар ошириб режалаштирилди. Ушбу маблағларнинг 120 млрд. сўми Ўзбекнефтегаз компанияси ихтиёрида қолдириладиган солиқ тўловлари (ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ) ҳисобидан молиялаштирилади.

2.3.Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатларининг таҳлили.

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш зарур. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз

иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Давлат бюджетидан молиялаштиришдан ташқари миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини инвестициялаш ҳам амалга оширилади.

Давлат инвестицияларининг мақсадлари қуйидагилардан иборатдир:

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш;
- корхоналарнинг инвестицион фаолиятини фаоллаштириш;
- хорижий инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни модернизация, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш дастурларини амалга ошириш мақсадида кенг жалб қилиш ва самарали ишлатиш;

- илғор технологияларни жорий этиш;

- янги иш ўринларини ташкил этиш;

- Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устуворликларига биноан лойиҳаларга амалга ошириладиган инвестициялар Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик субъектлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлатнинг **Инвестиция дастурида** ўз аксини топади.

Инвестиция дастури мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва динамик тараққиётига, табиат, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали республиканинг алоҳида тармоқлари ва ҳудудларининг таркибий ўзгаришлари устуворликлари ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган, ўзаро боғлиқ чоралар мажмуасидир :

- республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича истиқболларнинг таркибий қисми бўлиб, у давлат инвестиция дастурининг устувор йўналишларини акс эттиради;

- инвестицион лойиҳалар ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ҳар йили дастурнинг кўрсаткичларини аниқлаштириш билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш умумдавлат дастури ижросини таъминлаш орқали объектни лойиҳа-изланиш ишларидан бошлаб то фойдаланишга туширишгача бўлган циклни ҳисобга олиб уч йил муддатга шакллантирилади.

2.7-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари²⁹

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2013 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	27 123 275
1.	Марказлашган инвестициялар:	6 691366
1.1.	Бюджет маблағлари	1 300 000
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	131000
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан:	1 876 750
	- Республика йўл жамғармаси	921572
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	218243
	- Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	623 500*
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	113 435*
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 632 833
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан:	1 750783
	Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)	250560**
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	20 431910
2.1.	Корхона маблағлари	8 150655
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан:	3 236108
	АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари	426300
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 563159
2.4.	Аҳоли маблағлари	4 481988

²⁹ Манба: <http://www.mf.uz>- сайти маълумотларидан фойдаланилди.

2013 йилнинг инвестиция дастури кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 27 123275 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 15 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,7 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,3 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. Бу йилги инвестицион дастурда молиялаштиришнинг яна бир манбаси бўлмиш Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 113435 миллион сўм маблағ иқтисодиётимизга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Марказлаштирилган инвестициялар фақатгина қуйидагиларга ажратилади:

- республика иқтисодиётининг устувор йўналишлари бўйича инвестицион лойиҳаларни, давлатнинг мақсадли дастурлари ва давлатлараро келишувларни амалга оширишга;

- янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни тиклашга, сув хўжалиги қурилишига ва кичик гидроэнергетикани ривожлантиришга;

- аҳоли пунктлари ва биринчи навбатда индивидуал қурилишлар массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга;

- маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига;

- давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат илмий муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;

- умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ва табиий офатлардан ҳимоялаш иншоотлари қурилишига.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор тузилмалар қисқа муддатларда хорижий инвесторлар фаолияти учун яратилган амалдаги шароитларни чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда тўғридан-тўғри

хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга киришган. Ушбу таклифларни тайёрлашда мавжуд норматив базани, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Хусусан, 2007 йилда мамлакатдаги жами инвестицияларни молиялаштириш манбаида давлат бюджетининг улуши 9%ни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 5%ни ташкил этган. Демак, давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш тизимининг жами инвестицияларни молиялаштириш манбаидаги салмоғи камайиб бормоқда.

2.8-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2010-2012 мўлжалланган инвестицион дастур марказлаштирилган инвестициялар асосий параметрлари³⁰

	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда	2011 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда	2012 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Марказлаштирилган инвестициялар	3819	100	4 969	100	5740	100
1.	Давлат бюджети маблағлари	840	21,9	1037	20,8	1174	20,4
2.	Бошқа манбалар	2979	78,1	3932	79,2	4566	79,6

Жами марказлаштирилган инвестициялар таркибида давлат бюджетининг улуши 2010 йилда 21,9 %ни ташкил этмоқда. 2011 йилда

³⁰ Манба: <http://www.mf.uz>- сайти маълумотларидан фойдаланилди.

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган инвестициялар ҳажми 1037 млрд. сўмни ташкил этган ва марказлаштирилган инвестициялардаги салмоғи 20,8%ни ташкил этган. 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,4 %ни ташкил этиб, номинал мазмунда 1174 млрд. сўмга тенг бўлган. Давлат бюджетининг марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари қуйидаги йўналишларга сарфланмоқда:

- сув хўжалиги тизими (ирригация ва мелиорация тадбирлари, янги сув хўжалиги иншоотлари қурилиши учун ва бошқа) ривожлантириш;
- соғлиқни сақлаш тизими ислохотлари учун харажатлар;
- таълим тизимини ривожлантириш учун харажатлар;
- қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида шаҳар типдаги посёлкалар, қишлоқ қурилиши учун бош режа ва архитектура лойиҳалари учун харажатлар.

Барчамизга маълумки кейинги йилларда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Ушбу фаол инвестиция фаолиятини амалга ошириш, самарали реализация қилишда давлат бюджетининг ҳам аҳамияти юқори бўлмоқда. Буни қуйидги жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитларнинг салмоғи кескин ўзгарди.

Айни пайтда инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Инвестицияларнинг умумий таркибида давлат бюджетининг улуши 2010 йилда 7,4%ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб

4,8%ни ташкил этган. Миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг салмоғини ортиб боришини инобатга оладиган бўлсак, бунда бошқа манбаларнинг салмоғи юқори бўлган бўлиб, бунда тижорат банкларининг инвестицион фаоллиги асосий таъсир кучига эга бўлган.

2.9-жадвал

2010-2013 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши³¹
(фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2010 й.	2011 й.	2012й	2013 й.
Давлат бюджети	7,4	5,1	4,5	4,8
Чет эл инвестициялари	28,8	25,3	25,5	23,2
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	47,3	49,0	42,6	46,6
Бошқа манбалар	16,5	20,6	27,4	25,4

Инвестицияларнинг умумий таркибида давлат бюджетининг улуши 2010 йилда 7,4%ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб 4,8%ни ташкил этган. Миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг салмоғини ортиб боришини инобатга оладиган бўлсак, бунда бошқа манбаларнинг салмоғи юқори бўлган бўлиб, бунда тижорат банкларининг инвестицион фаоллиги асосий таъсир кучига эга бўлган.

Ўз навбатида 2014 йил Давлат бюджети параметрларида инвестицияларга йўналтириладиган маблағларни 2013 йилга нисбатан 15 фоизга ошириб, ушбу мақсадларга 1,5 трлн. сўм миқдордаги маблағлар йўналтирилиши режалаштирилиди.

Жумладан,

- қишлоқ хўжалигини узлуксиз сув билан таъминлашга ва сув ресурсларидан унумли фойдаланишга қаратилган зарур ирригация иншоотлари қурилишига 470 млрд. сўм;
- қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилиш мақсадида 3 минг кмдан зиёд ичимлик суви тармоқларини қуриш

³¹ Манба: <http://www.mf.uz> - сайти маълумотларидан фойдаланилди.

ва реконструкция қилишга 138 млрд. сўм (2013 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп);

- Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирларига 153 млрд. сўм;

- республикада ҳудудларидаги саноат зоналарида инфратузилма объектлари қурилишига 50 млрд. сўм;

- Тошкент шаҳрида энг замонавий “Hyatt” меҳмонхона комплекси қурилишига 40 млрд. сўм, Давлат бошқаруви академияси биносини реконструкция қилишга 40 млрд. сўм;

- қишлоқ жойларда янги барпо этилаётган уй-жой масканларида ижтимоий объектларни қуришга 36 млрд.сўм ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, 2014 йилда 388 та қишлоқ массивларида 11 мингта замонавий коттежлар қурилишига жами 1,6 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш назарда тутилган.

Шундан 593 млрд.сўми аҳоли маблағлари ҳисобига ва 1 трлн. 57 млрд. сўми қишлоқ қурилиш ва бошқа тижорат банкларининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Бунда тижорат банкларининг кредит ресурслари асосан Молия вазирлигининг 760 млрд.сўм миқдоридаги имтиёзли (3 фоиз) кредити ва Осиё тараққиёт банкининг 231 млрд.сўм эквивалентидаги имтиёзли қарзи ҳисобига шаклланади.

Ўз навбатида узунлиги 124 км бўлган ва ўз ичига 19 км узунликдаги туннелни олган Ангрен-Поп янги темир йўлини қуриш учун 150 млрд.сўм йўналтирилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1,7 млрд. долларни, шу жумладан туннелни бунёд этиш 455 млн. долларни ташкил этади. Пудрат ишларининг асосий қисмини темир йўл қурилишида етарли тажриба тўплаган (Ўздор-Бойсун-Қумқўрғон, Ҳайратон-Мозори-

Шариф, тез юрар линиялар) ихтисослашган маҳаллий корхоналаримиз, туннел қурилишини эса Хитойнинг етакчи туннел қурувчиси бўлган China Railway Tunnel Group пудратчилари бажармоқдалар.

Бундан ташқари, 2014 йилда жами 534 км узунликдаги жаҳон андозаларига мос келадиган автомобиль йўллари, 200 км кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш ва фойдаланишга топшириш ҳамда 210 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Шу жумладан, А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг “Қамчиқ” довонидан ўтувчи жами 74 км узунликдаги цементобетон қопламали автомобиль йўлини қуриш ишларини якунлаш режалаштирилмоқда.

Ушбу ишларни бажариш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан қарийб 1,5 трлн.сўм йўналтирилади. Бунда Республика йўл жамғармаси даромадларини 2014 йилда ҳам барқарор равишда шакллантириш масаласига муҳтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов алоҳида тўхтаб ўтганларини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Ўз навбатида атроф-муҳитни ва табиатни муҳофаза қилиш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни 2013 йилга нисбатан 1,2 баробарга оширилиб, 634,5 млрд. сўмга етказилди.

Умуман хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджетининг жами инвестициялардаги улуши камайиб бораётганлиги билан бир қаторда унинг номинал мазмундаги ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

2-боб бўйича хулосалар

Ушбу бобимиздаги давлат бюджетининг иқтисодий қўллаб қувватлаш харажатларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Амага оширилаётган иқтисодий ислохотлар шарт шароитларидан келиб чиққан ҳолда бюджет сиёсати стратегиясида унинг харажатларини таркибида ўзгаришлар содир бўлганини кузатилди. Натижада, давлат бюджетининг харажатлари таркибида иқтисодий харажатлари номинал

мазмунда кўпайга бўлса-да, уларнинг жами бюджет харажатларидаги салмоғи пасайиб бормоқда.

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари асосан қишлоқ ва сув хўжайиғи тизимини модернизациялаш, аграр соҳада фаолият юритувчи фермер хўжаликларини молиялаштириш, ободонлатириш ва геодезия соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Давлат бюджетининг таркибий қисми бўлган маҳаллий бюджетлардан ҳудуд иқтисодиёти учун муҳим ҳисобланган ободонлаштириш, транспорт коммуникация тизими, қишлоқ ва ўрмон хўжалиғи харажатлари молиялаштирилмоқда. Бу ўз навбатида ҳудуд иқтисодий салоиятини янада ошириш билан бирга инфратузилмани янада ривожлантирилишига олиб келмоқда.

Ҳозирги фаол инвестиция сиёсатини молиявий таъминлашда давлат бюджетининг салмоғи камайиб бораётган бўлса-да, унинг номинал мазмундаги салмоғининг ортиб бораётганлиғи маълум бўлди.

Бизинг фикримизча, инвестицияларни молиялаштиришда давлат инвестицияларини янада камайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки, давлат томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзи давлат бюджетига залворли молиявий юк бўлиб тушмоқда.

III. БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

3.1. Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришда харажат лимитларини мақсадли дастурларнинг кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш имкониятлари

Харажатларнинг муайян умумий лимити негизида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича бюджетдан молиялаштириш лимитлари шакллантирилади ва улар келгусида бюджет маблағларини тақсимловчилар – вазирликлар ва идораларнинг мақсадли дастурлари, кичик дастурлари ва фаолият турларини амалга ошириш харажатларини асослаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбирларнинг ушбу босқичи бюджет лойиҳасининг узил-кесил вариантини янада муфассалроқ тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Бу босқичда ҳар бир таркибий бўғин бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг кутилаётган лимитлари негизида ўз ишининг муфассал режаларини туза бошлайди. Бунда у асосий эътиборни пировард натижаларни асослаш, фаолият унумдорлигини ошириш, маблағларни тежашга қаратади. Режалар куйидан юқорига бир нечта вариантларда тақдим этилиши мумкин. Масалан, ажратиладиган маблағлар лимитлари доирасидаги тадбирлар режаси ва кўп маблағ талаб қиладиган, лекин пировард натижалар ва унумдорлик сезиларли даражада ўсишини таъминлайдиган режа.

Тобе бўлинмаларнинг “режалар тўплами” раҳбарият томонидан ташкилотнинг устувор вазифаларига мувофиқ кўриб чиқилиши бюджетлаштиришнинг навбатдаги босқичида маблағларнинг лимитларини қайта тақсимлаш имкониятини беради. Бу бюджет жараёни даражаларининг ҳар бирида бюджет лойиҳасини тайёрлашда юз бериши мумкин.

Бюджетни режалаштириш бюджет жараёнига киритувчи муҳим ўзгаришлардан бири вазирликлар ўз бюджет буюртмаларини тайёрлашлари

билан боғлиқ. Бюджетдан маблағлар олишга буюртмалар ва харажатларни асословчи ҳужжатлар мақсадли бюджет дастурлари жиҳатидан тузилади.

Мақсадли бюджет дастури вазирлик ва (ёки) идоранинг харажатлар ва даромадлар сметаси ҳақидаги ахборот манбаи ҳисобланади. Бу сметаларда режалаштирилаётган харажатлар барча манбалардан олинadиган даромадлар билан қопланади. Мазкур сметалар тасдиқланганидан сўнг ҳукумат бюджетига киритилади ва унинг даромадлар ва харажатлар қисмларини ташкил этади. Бундан ташқари, ҳужжатнинг иккинчи қисмига вазирлик ва (ёки) идора дастурлари фаолиятининг юридик асослари ҳақида ахборот (қонунлар, президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқалар) киритилиши мумкин.

3. Вазирликлар ва идораларнинг харажатларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш. Вазирликлар ва идоралар ўз мақсадлари ва вазифаларини, шунингдек мақсадларга эришиш ҳамда вазифаларни ҳал қилиш технологиясини белгилар эканлар, мақсадли дастурларга мувофиқ ўзларининг харажатларга бўлган эҳтиёжларини қайд этадилар. Йил бошида кўйилган мақсадлар уларни молия йили охирида бажариш натижалари билан солиштирилади. Вазирлик фаолиятининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик даражасига берилган баҳолар бўлғуси давр харажатларга оид эҳтиёжларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Вазирлик дастурда белгиланган мақсадларга эриша олмаса, бу уни молиялаштиришни қисқартириш ва бўшаган маблағларни самаралироқ дастурларга ўтказиш учун асос бўлиши мумкин. Бу ҳолда вазирликлар__нафақат молиялаштиришни кўпайтиришга, балки аввалги ҳажмларда молиялаштиришга бўлган ҳуқуқни ҳам йўқотадилар.

4. Бюджет лойиҳасини келишиш. Вазирликлар томонидан бюджет буюртмалари тақдим этишнинг ягона шакли бюджет лойиҳаси кўрсаткичларини вазирликларнинг вакиллари ва Молия вазирлиги ўртасида икки тарафлама ва кўп тарафлама асосда келишишни анча енгиллаштиради. Бундан ташқари, бюджет органи ихтиёрига буюртмаларнинг асослилиги

ҳақида анча муфассал ахборот тушиши ҳам бюджет жараёнини келишишни енгиллаштиради.

Айрим идоралар учун бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг лимитлари билан бир қаторда улар фаолиятининг унумдорлик кўрсаткичлари ҳам белгиланиши лозим. Бундай кўрсаткичларни танлашда улар у ёки бу идора ишига амалда боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Унумдорлик кўрсаткичлари статистик ҳисоботга кириши ёки қонун йўли билан белгиланган бошқа тартиб-таомилларга мувофиқ аниқланиши лозим.

Учинчи босқичда марказий бюджет органи ва бюджет маблағларини бош тақсимловчилари (БМБТ) ўртасидаги ўзаро алоқа хусусияти икки тарафламалик билан белгиланади. БМБТ бюджет харажатларининг белгиланган лимитларидан келиб чиқиб ўрта муддатли келажак учун харажатлар дастурларини молиялаштиришга бюджет буюртмаларини шакллантиради ва уларни марказий бюджет органига юборади.

Шу тариқа “пастдан юқорига” қараб ўзаро алоқа амалга оширилади. Марказий бюджет органи таклиф этилган дастурларнинг самарадорлик даражасига қиёсий баҳо бериш асосида таклиф қилинган дастурларни молиялаштириш хусусида ўз нуқтаи назарини шакллантиради ва тегишли қарорлар ишлаб чиқади. Агар БМБТ ушбу қарорга рози бўлмаса, марказий бюджет органи ва БМБТ ўртасида муҳокамалар натижасида баҳсли масалалар рўйхати шакллантирилади. Бу масалалар марказий бюджет органи ва БМБТ, шунингдек, Ҳукумат ва вазирликларнинг вакилларида тузилган “келишув комиссияси” томонидан ҳал қилиниши лозим.

Келгуси йилга ва ўрта муддатли келажакка мўлжалланган бюджет лойиҳалари бўйича келишилмаган масалалар молия вазири раҳбарлигидаги идоралараро ҳукумат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Келгуси бюджет йилида харажатлар кўрсаткичлари бюджет ижроси ҳақидаги бошланғич маълумотлар, натижаларга берилган баҳолар ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб қайта

кўрилиши мумкин. Аммо бунда қайта кўришнинг пухта ишлаб чиқилган мезонлари ва тартиб-таомиллари амал қилиши лозим, акс ҳолда ўрта муддатли бюджетлаштириш ўз мазмунини йўқотади.

Шундай қилиб, БМБТ дастурларини молиялаштиришнинг келишилган ҳажмлари асосида марказий бюджет органи бюджет лойиҳасини тузади ва уни Ҳукуматга юборади.

5. Бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. БЎМР бюджетларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнини ўзгартиришни назарда тутди. Бу ўзгартириш бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаш даврида қонун чиқарувчилар ролининг ўзгариши билан боғлиқ.

Дастурларнинг устувор вазифаларини келишишда уларнинг фаол ролини ҳисобга олганда, бюджетларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни одатда бюджетни режалаштиришга нисбатан одатдаги ёндашувга қараганда камроқ вақтни олади ва нисбатан енгилроқ кечади.

Молия вазирлиги тайёрлаган бюджетни кўриб чиққач, Ҳукумат уни тасдиқлайди ва мамлакат Парламентининг муҳокамасига киритади.

6. Бюджет ижроси устидан назорат. Бюджет ижроси ва бюджет харажатлари устидан назорат дастурий-мақсадли ёндашувларда ташқи соҳадан ички соҳага – маблағлар мақсадли ишлатилиши устидан назоратдан, ижтимоий ва иқтисодий самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичларига эришилиши устидан назоратга ўтади. Бунда бюджет ижроси устидан назорат жараёнида икки ҳужжат – бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот ва вазирликлар фаолиятининг натижалари тўғрисида ҳисобот айниқса муҳим роль ўйнайди.

Бу ҳисоботларда акс эттирилган маълумотлар сиёсий қарорлар қабул қилиш ва келгуси давр учун бюджет лойиҳаларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Назоратга бўлган эҳтиёж амалга оширилаётган дастурлар ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигининг мониторинги ва уларга баҳо бериш механизмлари ва тартиб- таомиллари яратилишига олиб келди. Хусусан, баҳо беришнинг бир неча турлари мавжуд:

бошқарув жараёнларига баҳо бериш; ижтимоий (пировард) натижага баҳо бериш;

ижтимоий (пировард) натижага эришишга дастурнинг ҳиссасига баҳо бериш; “харажатлар – натижалар” таҳлили ва “харажатлар – самарадорлик” таҳлили.

Турли мамлакатлар амалиёти бюджетни режалаштириш учун зарур ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш жуда оғир ва сермеҳнат жараён эканлигини кўрсатади. Тегишли ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш одатда бир неча йил давом этади.

3.2. Бюджет назоратини такомиллаштириш орқали иқтисодиёт харажатларининг манзиллиги ва мақсадлигини ошириш йўллари.

Ҳозирги шароит давлат бюджети харажатларининг манзиллиги ва мақсадли сарфланиши таъминлаш бюджет сиёсатида стратегик аҳамият касб этувчи чора тадбирлардан бириир. Шундай экан, бошқа харажатлар каби иқтисодиёт харажатлари самарадорлигини ошириш, миллий хўжаликда давлат молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Хўжаликлараро каналлар, гидротехника иншоотлари ва суғориш тизими ёрдамчи иншоотларининг, яъни давлат ташкилотлари балансидаги ва бюджет ҳисобига таъминланадиган объектларнинг ишга яроқлиги, бутунлиги ва тўғри ишлатилишига сув хўжалигидан фойдаланиш ташкилотлари жавобгардирлар.

Ички хўжалик каналлари, суғориш иншоотларининг яроқлилиги, сақланишига ва улардан тўғри фойдаланилишига сув истеъмолчилари жавобгар бўлиб, уларга мелиорациялашган ерлар ва янгидан тузилган сув истеъмолчилари ассоциацияси ҳам бириктирилади.

Эксплуатацион харажатларга қуйидагилар киради: суғориш тизими ва тармоқлари бошқармасининг штатларини сақлаш, гидропост, гидроиншоот, дамбалар, насос станциялари, каналлар ва бошқа гидротехника иншоотларини сақлаш ва жорий таъмирлаш. Бундан ташқари бу

харажатларга ҳимоялаш ва бошқарув ишларига сарфлар, давлат суғориш тизимини тозалашга харажатлар, тошқинга қарши ишлар, транспортни сақлашга, алоқа воситалари ва йўлларни жорий ва капитал таъмирлашга ҳамда бошқа эксплуатацион тадбирларга харажатлар киради. Сув хўжалигидан фойдаланиш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарорига биноан амалга оширилади. Харажатлар сметаси ташкилотлар томонидан йиллик тадбирлар режалари ва сув хўжаликларининг эксплуатацион харажатлари асосида тузилиб, унда тадбирларнинг номи ва улар бўйича ишлар ҳажми, иш бирлигининг қиймати, молиялаштириш манбаси ва чораклар бўйича тақсимланган иш ҳақи фонди акс эттирилади. Сметалар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади ва сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Бугунги кунда мамлакатдаги мавжуд аҳволни ўрганиб чиқиб, бюджет харажатларини режалаштириш жараёнидаги ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича бюджет интизомини бузилишининг қуйидаги характерли кўринишларини келтириш мумкин:

1. Бюджетнинг иккинчи даражали харажатларини маблағ билан таъминлаш оқибатида биринчи даражадаги тадбирларга маблағ йўналтиришни кечиктириш;

2. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг тазйиқи остида бюджет маблағларини бюджет параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтириш;

3. Иш ҳақи, хўжалик харажатлари бўйича белгиланган бюджет лимитларини ошириб бориш;

4. Бюджет маблағларини бир моддадан иккинчи моддага ўтказиш ва улардан ноқонуний тарзда фойдаланиш.

Бюджет интизомига риоя этиш бузилишининг энг кўп тарқалган характерли кўриниши – бу бюджет маблағларини маҳаллий ҳокимликларнинг фармойишлари асосида адрес дастурига киритилмаган қурилиш ва таъмирлаш объектларига, автомобиллар сотиб олиш, дабдабали тадбирларни ўтказишга йўналтиришдир.

Бюджет маблағларининг маҳаллий бюджетлар параметрларида белгиланмаган харажатларга тарқатиб юборилиши, биринчи навбатда бўлган иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендия тўловлари, даволаш ва халқ маорифи муассасаларига дори-дармон, озиқ-овқат, ёқилғи-энергия ресурсларини етказиб беришда жиддий салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

Бюджет интизомининг бузилиш ҳоллари маҳаллий ҳокимиятлар раҳбарларининг тазйиқига молия органлари бошлиқлари принципиал равишда қаршилиқ кўрсата олмаётганликлари натижасида юзага келмоқда. Чунки молия органлари раҳбарлари маҳаллий ҳокимликларга боғланиб қолиб, жойлардаги назорат-тафтиш бошқармалари ходимлари эса маҳаллий органлар вакиллари таъсирига ўтиб қолган ёки йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатларига нисбатан лоқайдлик қилинмоқда.

Нazorat-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан молия муассасалари фаолияти устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги оқибатида молия органлари ва бюджет ташкилотлари раҳбарлари биринчи даражали харажатларни молиялаштириш учун йўналтириш ўрнига маблағларни бюджет параметрларида кўрсатилмаган харажатларга йўналтириш, бюджет маблағларини бошқа моддаларга сарфлаш ҳолатларига йўл қўйиш давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси фақатгина бюджет маблағларини режалаштириш жараёнида эмас, балки улардан фойдаланиш жараёнида ҳам бюджет интизомига риоя этишнинг бузилишига хос бўлган қуйидаги характерли кўринишларни келтириб чиқармоқда:

- биринчи даражали тўловларнинг (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар) ўз вақтида молиялаштирилмаслиги ҳамда нақд пул билан таъминланмаслиги, тўлов муддатларининг кечиктирилиши;

- бюджет параметрларига ва харажатлар сметаларидаги лимитларга амал қилмаслик натижасида иш ҳақи, коммунал хизматлар ва хўжалик харажатларидан ортиқча харажатларга йўл қўйиш;

- бюджет муассасаларининг харажатлар сметаларида кўзда тутилмаган харажатларни амалга ошириш ва бюджет маблағларидан самарасиз ва бошқа мақсадларда фойдаланиш;

- бюджет муассасаларининг раҳбарлари томонидан штат-смета интизомига риоя қилмаслик, ортиқча штат бирликларидан фойдаланиш, иш ҳақининг белгиланган миқдорларини ошириб юбориш, ишламаган ходимларга ҳақ тўлаш;

- ўз-ўзини бошқариш органлари (махалла қўмиталари) орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланадиган ижтимоий нафақаларни тайинлашда турли маҳаллийчилик ва қариндош-уруғчиликка йўл қўйиш ҳамда уларни тўлаш пайтида банк муассасалари ходимлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари ходимлари билан биргаликда турли қонунбузарликларга ва давлат маблағларини ўзлаштиришга йўл қўйиш;

- маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашуви натижасида бюджет маблағларини бюджет параметрларида кўзда тутилмаган қурилиш, таъмирлаш ишларига, автомобиллар ва бошқа дабдабали жиҳозлар сотиб олишга ҳамда турли тадбирлар ўтказишга сарфлаш;

- моддий жавобгар шахслар томонидан жавобгарликдаги моддий қийматликлар ва нақд пуллардан камомадларга ҳамда талон-тарожликларга йўл қўйиш ва ҳ.к.

Маълумки, ҳозирги пайтда Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда

бюджет интизомига доимий равишда қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадида олиб бораётган назорат ва тафтиш, текширув ишлари билан бирга, улар натижасида аниқланган қонунбузарликлар ва бюджет интизомининг бузилишига қарши чоралар қўллаш ва жазолашни амалга оширишда ўзига хос ишлаб чиққан методик қўлланмага асосланади.

Бюджет интизоми бузилишига қарши маъмурий жазолар қўллаш мақсадида Назорат-тафтиш бош бошқармасида «Бюджет интизомини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 175-2 «Бюджет интизомини бузиш» моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва бюджет интизомини бузганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш бўйича Методик кўрсатмалар» ишлаб чиқилган ва шу методик кўрсатмалар асосида бюджет интизомини бузган муассаса ва унинг мансабдор шахсларига нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилади.

Унга кўра, тафтиш, текшириш ёки мониторинг жараёнида аниқланган бюджет интизомини бузиш ҳоллари:

- бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида кўзда тутилмаган харажатларга йўллаш;

- бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетлардан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши;

- бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларда штат-смета интизомини бузиш каби ҳолатлар аниқланган тақдирда мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача миқдорда жарима солинади.

Шунингдек, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақа, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақи миқдорининг 15 баробаригача миқдорда жарима белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар аниқланган тақдирда назорат тафтиш бошқармаларнинг масъул шахслари томонидан жойида ушбу ҳолатлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилади. Тузилган баённома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари қошида тузилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш бўйича комиссияларига тақдим қилинади. Бу комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тақдим қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар асосида 15 (ўн беш) кун муддат ичида кўриб чиқишга ҳақлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади ва бунда юритиладиган баённома комиссия раиси ва мажлис котиби томонидан имзоланади. Иш натижасига кўра қабул қилинадиган қарор комиссия аъзоларининг оддий кўпчилилик овози орқали қабул қилинади ва уни комиссия раиси ва котиби имзолайди. Бунда қарор икки турда чиқарилиши мумкин:

1. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисида.
2. Ишни тўхтатиш тўғрисида.

Қарор иш кўриб чиқилгандан сўнг комиссия аъзолари ҳамда маъмурий жавобгарликка тортилган шахс иштирокида эълон қилинади ва у 3 кун муддат ичида маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга (тилхат асосида) топширилади ёки жўнатилади. Қарор чиқарувчи орган иш кўриб чиқилгандан сўнг муассаса ёки ташкилот раҳбариятига маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарувчи шароитларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома юборади. Муассаса ва ташкилот тақдимнома

олингандан сўнг 1 (бир) ой муддат ичида зарур чораларни кўриб, улар тўғрисида тақдимнома берган органга маълумот бериш шарт.

Юқорида баён этилганлардан яққол кўриниб турибдики, бюджет интизомига қатъий риоя этмасдан тегишли хатоликларга йўл қўйган ва оқибатда бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишга олиб келган мансабдор шахсларни жазолаш ёки жавобгарликка тортиш механизми, бизнинг назаримизда, ҳаддан ташқари инсонпарварликка асослангандир. Амалда мансабдор шахсларни жазолаш ёки жавобгарликка тортишнинг юқоридаги механизми ҳамон шу тарзда давом этаверса, бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда ҳали-бери бюджет интизомини давр талаблари даражасида мустаҳкамлашга эришишнинг иложи бўлмайди. Бунинг сабаблари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, ҳозирги амалиётда бюджет интизомининг бузилиш ҳоллари аниқланганда мансабдор шахсларга нисбатан солинадиган жарималарнинг миқдори юқоридаги 3 ҳолат бўйича бюджет интизомининг бузилиши натижасида нооқилона сарфланган бюджет маблағларининг миқдори билан узвий боғланмаган;

- иккинчидан, бюджет интизомининг бузилиш ҳоллари аниқланганда мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача миқдорда жарима солиниши, уларнинг иқтисодий ёки молиявий аҳволига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг амалдаги ўрнатилган даражаси кўзланган мақсадга (бюджет интизомининг мустаҳкамланишига) эришиш имконини бермайди;

- учинчидан, ундирилиши лозим жарима миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс иш ҳақининг миқдорига боғлиқ равишда айрим ҳолларда тўлиқ ва бошқа ҳолларда эса қисмларга бўлиб ундирилиши ҳам бюджет интизомининг мустаҳкамланиши таъминлашга ҳал қилувчи рольни ўйнамайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, бюджет интизомига қатъий риоя этмасдан тегишли хатоликларга йўл қўйган ва

оқибатда бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишга олиб келган мансабдор шахсларни жазолаш ёки жавобгарликка тортиш механизмига тегишли ўзгартиришларни киритиш ва унинг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

3-боб бўйича хулосалар

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Ўрта муддатли бюджетни режалаштириш амалиётида давлат бюджети харажатлари ва хусусан, иқтисодий қўллаб қувватлаш харажатларининг мақсадли кўрсаткичлари, чеклашлар, бюджет лимитлари, пировард натижалари бўйича маълумотларнинг ягона банки ва бухгалтерия ҳисоботи маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ муаммони ечиш имкониятини беради;

Ушбу маълумотлар банки билан ахборотдан фойдаланувчилар ва унинг етказиб берувчилар – жамоатчилик, парламент, ҳукумат, вазирликлар ва идоралар ўзаро алоқа қилишлари лозим.

2. Бошқарувга доир ва молиявий ахборотнинг қўшма таҳлили алоҳида кўникмаларни талаб этади. Вазирликлар ва идораларда давлат харажатлари ҳақидаги ахборотнинг мониторинги ва келаётган маълумотлар таҳлили учун жавоб берувчи, шунингдек бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқувчи махсус бўлимлар ташкил этилиши лозим. Ушбу бўлимларнинг ходимлари иқтисодийнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳа секторлари бўйича бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини доимий асосда кузатиб боришлари керак. Юқори малакали ходимлардан ташқари, бўлимлар олинган натижалардан харажатлар ва бюджет жараёни соҳасида давлат сиёсатига тузатишлар киритиш учун фойдаланиш имкониятини берувчи муайян маъмурий ресурсга эга бўлишлари лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ҳамда салбий тенденциялар шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш каби кенг кўламли ислохотлар шароитида давлат бюджети миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг асосий молиявий инструментларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат бюджети харажатлари марказий ўринни эгаллайди.

Давлат бюджетининг иқтисодий мазмуни ва миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини тадқиқ этиб қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

Давлат бюджети:

- молия тизимининг етакчи бўғини сифатида асосий марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади ва бошқа фондлардан фарқли равишда давлат бюджети орқали ЯИМнинг сезиларли қисми қайта тақсимланади;

- пул(молиявий) муносабатларнинг алоҳида тизимини сифатида императив тавсифдаги молиявий муносабатларни ўзида ифодалайди;

- давлатнинг молия йилига мўлжалланган асосий молиявий режаси;

- ЯИМ ва миллий даромадни соҳалар, тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида тақсимлаш воситаси;

- давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни молиявий таъминлашнинг асосий манбаи;

- миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг кенг арсеналини ўзида мужассамлаштиради.

Давлат бюджети харажатларининг асосий вазифаси давлатнинг функция ва вазифаларини молиявий таъмилаш ҳисобланади.

Бюджет орқали миллий иқтисодиётни тартибга солиш тизимида давлат бюджети харажатлари марказий ўринни эгаллайди. Айниқса, ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида давлат бюджети харажатлари миллий иқтисодиётимизда кузатилаётган изчил иқтисодий ўсиш

суръатларини таъминлаш, ялпи талабни ва унинг таркибидаги ялпи истеъмол талабини ривожлатирилмоқда.

Давлат бюджетининг иқтисодий қўллаб қувватлаш харажатларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Амага оширилаётган иқтисодий ислохотлар шарт шароитларидан келиб чиққан ҳолда бюджет сиёсати стратегиясида унинг харажатларини таркибида ўзгаришлар содир бўлганиги кузатилди. Натижада, давлат бюджетининг харажатлари таркибида иқтисодий харажатлари номинал мазмунда кўпайга бўлса-да, уларнинг жами бюджет харажатларидаги салмоғи пасайиб бормоқда.

Давлат бюджетининг иқтисодий харажатлари асосан қишлоқ ва сув хўжайи тизимини модернизациялаш, аграр соҳада фаолият юритувчи фермер хўжаликларини молиялаштириш, ободонлатириш ва геодезия соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Давлат бюджетининг таркибий қисми бўлга маҳаллий бюджетлардан ҳудуд иқтисодиёти учун муҳим ҳисобланган ободонлаштириш, транспорт коммуникация тизими, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги харажатлари молиялаштирилмоқда. Бу ўз навбатида ҳудуд иқтисодий салоиятини янада ошириш билан бирга инфратузилмани янада ривожлантирилишига олиб келмоқда.

Ҳозирги фаол инвестиция сиёсатини молиявий таъминлашда давлат бюджетининг салмоғи камайиб бораётган бўлса-да, унинг номинал мазмундаги салмоғининг ортиб бораётганлиги маълум бўлди.

Бизинг фикримизча, инвестицияларни молиялаштиришда давлат инвестицияларини янада камайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки, давлат томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзи давлат бюджетига залворли молиявий юк бўлиб тушмоқда.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Ўрта муддатли бюджетни режалаштириш амалиётида давлат бюджети харажатлари ва хусусан, иқтисодий қўллаб қувватлаш харажатларининг мақсадли кўрсаткичлари, чеклашлар, бюджет лимитлари, пировард натижалари бўйича маълумотларнинг ягона банки ва бухгалтерия ҳисоботи маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ муаммони ечиш имкониятини беради;

Ушбу маълумотлар банки билан ахборотдан фойдаланувчилар ва унга етказиб берувчилар – жамоатчилик, парламент, ҳукумат, вазирликлар ва идоралар ўзаро алоқа қилишлари лозим.

1. Фермер хўжаликларида давлат буюртмалари ҳисобига сотиб олинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан нархларни либераллаштириш билан параллел равишда давлат бюджетидан фермер хўжаликарини қўллаб-қувватлаш тизими учун ажратиладиган маблағларни босқичма босқич қисқартириб бориш

2. Бюджет жараёнини табиий монополиялардаги нархларини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ тадбирлар билан уйғунлаштириш, яъни марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматларни ўз-ўзини қоплашга босқичма-босқич ўтказиш бўйича тасдиқланган дастурга асосан ушбу хизматлар нархидаги фарқни қоплаш харажатларининг бюджетдан молиялаштириладиган қисмини ушбу хизматлар тарифларини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда камайтириш.

3. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари учун харажатларни босқичма босқич қисқартириб бориш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

4. Вазирликлар ва идораларда давлат бюджети харажатлари ҳақидаги ахборотнинг мониторинги ва келаётган маълумотлар таҳлили учун жавоб берувчи, шунингдек бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқувчи махсус бўлимлар ташкил этилиши лозим. Ушбу бўлимларнинг ходимлари иқтисодийнинг турли

тармоқлари ва ижтимоий соҳа секторлари бўйича бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини доимий асосда кузатиб боришлари керак. Юқори малакали ходимлардан ташқари, бўлимлар олинган натижалардан харажатлар ва бюджет жараёни соҳасида давлат сиёсатига тузатишлар киритиш учун фойдаланиш имкониятини берувчи муайян маъмурий ресурсга эга бўлишлари лозим.

5. Давлат инвестиция дастуларига киритилган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришда давлат бюджетининг улушини ыисыартириб бори лозим. Давлат бюджетидан молиялаштирилиши кшзда тутилган марказлаштирилган инвестицияларни молиявий таъминлаш ваколатларининг махсус бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга юкланиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2013.- 32 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 192 модда.

II. Ўзбекистон Республикаси президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2010 йил 24 декабрдаги №1449- сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида»ги 1668-сонли Қарори.\$
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Ҳалқ сўзи газетаси. 2014 йил.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
3. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Ҳалқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январь, №16(5183)
5. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш- тараққиётимизнинг муҳим омилидир.-Ҳалқ сўзи, 2010 йил. 8 декабр.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябр
7. И.А.Каримов Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.-70 б.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Халқ сўзи, 2009 йи. 14 феврал
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил, 56 бет.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Халқ сўзи., 2009 йил 14 феврал.
11. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т. халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал, № 28(4438).

IV. Асосий адабиётлар

12. Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008, 566 бет.
13. Тухлиев Б.К., Курбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б. Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. - 199 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.–Т.:Иқтисодиёт.-2012.–233 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузани ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.-Тошкент: Иқтисодиёт.- 2011.- 500 б.
16. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712.
17. Вахобов А.В., Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений. Уч.пос.- Т.:, ТФИ, 2002. с. 46
18. Годин А.М., Максимова Н.С. Бюджетная система Российской Федерации. – М.: Дашков и К, 2006.– 583 с.
19. Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008, 566 бет.
20. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш .– Тошкент, infoCOM.UZ МЧЖ, 2010. – 152 б.

21. Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А., Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш.- Тошкент, 2010 - 152 б.
22. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик . – Тошкент: infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, 2010. – 500 б.
23. Поляк Г.Б. Бюджетная система Р.Ф. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 550 с.
24. Романовский Г. «Бюджетная система Р.Ф.», изд. «Финансы и статистика», Москва 1998.

V. Қўшимча адабиётлар

25. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.
26. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций.- М.: "Вузовский учебник", 2006- 417 с.
27. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
28. Остонакулов М. Маҳаллий бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Иқтисод-молия, 2009.- 88 б.
29. Қурбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж. Давлат молиясини бошқариш. Электрон ўқув-услубий мажмуа.-Тошкент: ТДИУ, 2012 й.- 200 б.
30. Қурбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати.-Т.: ЎзРБМА, 2010 й.
31. Сабитова Н.М. О понятии финансового потенциала региона и методологии его оценки / /Финансы, 2003, №2, с. 63-65.
32. Кашина Н.В. Налоговый потенциал в системе бюджетного прогнозирования. // «Финансы» №2, 2002, стр. 78-79. Кашина Н.П. Использование налогового потенциала региона в системе государственного финансового планирования. // М.: «Финансы и статистика». 2003, стр. 246.
33. Коршунов Л.А. Налоговые ресурсы региона в условиях перехода к рыночной экономике . // М.: «Финансы и статистика» 2002, стр. 214.
34. Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

35. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами.-Т.: 2005 йил.
36. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисоботлари.

VII. Интернет сайтлари

37. <http://www.mf.uz> –ЎЗР Молия вазирлиги сайти.
38. <http://www.budgetrf.ru> - Россия Федерацияси бюджет тизими